

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

# Посишда

Газета 1930 йил 12 майдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2002 йил 26 сентябрь, пайшанба • 39 (3463)-сон

## 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Эл-юрт учун муносиб хизмат қилган, обрў-эътибор қозонган кишидан, энг аввало, "Устозингиз ким?" деб сўрайдилар. Дарҳақиқат, инсон ўзининг ҳалол меҳнати тўғрисида нимагаки эришган бўлса, биринчи навбатда устозларини меҳр билан тилга олади, уларга ҳурмат бажо келтиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантлари ҳам қутлуғ байрам арафаси устозларига гуллар ҳадя қилдилар, самимий дил изҳорларини баён этдилар.

— Гуллар, совғалар албатта яхши, — дейди мактаб бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги С. Зайниев. — Энг асосийси эса курсантларимизнинг ўз устозларига бўлган ҳурмат-эътиборларидир. Эрта бир кун келиб, "биз шу устозлар қўлида тарбия топганмиз", дея фахр билан эслаб юришса, бизга шунинг ўзи энг катта совға.

Суратда: Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби курсантлари устозлари — информатика кафедраси ўқитувчиси Моҳидил Юлдашева, шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори, ички хизмат лейтенанти Светлана Пулатова ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасининг инглиз тили ўқитувчиси Ноила Саидоваларни байрам билан қутлашмоқда.

Абдулла ОРИПОВ

### МУАММИЛАРТА

Нечог бахтиёрман, таъзимда шу тоб  
Сизнинг шаънингизга битмоқдаман байт.  
Не одам бўлардим, қўлимда китоб  
Бирор ҳарф танимай турсайдим лоқайд.  
Сиз-ку "Алифбо"дан "Қомус"гача то  
Бари-барисини танитган устоз.  
Илк бор Сиз кўрсатган дурахшон Зухро  
Букун шеърим ичра ташбиҳдир мумтоз.  
Сиз мўъжаз юракда ёқолган ёду  
Оқибат қўёшдек сочаолур нур.  
Буюклар ҳаққига қасамёд эпп бу:  
Сиздан бошланади асли тафаккур.  
Оламда кўп эрур муборак онлар,  
Табаррук зотлар ҳам гарчанд кўп эрур.  
Сизгадир илк раҳмат, азиз инсонлар,  
Мунис муаллимлар, сизга ташаккур.



### Ислоҳотлар кўзгусида

Муборак истиқлолимиз шарофати, Президентимиз ва ҳукуватимизнинг бевосита ташаббуси ҳамда раҳнамоликларида мамлакатимизда инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Албатта, ушбу жараён ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан ҳуқуқ-тартибот, хусусан, ички ишлар идораларида ҳам ҳар томонлама кенг қамровли ва чуқур ислоҳотлар олиб боришни тақозо этади.

## КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШ

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиш диққатга сазовордир. Мазкур анжуман мамлакатимиз ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислоҳотлар ҳамда хизматга қабул қилиш, кадрларни жой-жойига қўйиш, касб маҳоратини ошириш, ўқитиш, тарбиялаш борасида жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида амалга оширилган ишлар натижалари ва уларни такомиллаштириш чоратадбирларига бағишланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров кириш сўзи билан очди ва йиғилиш қатнашчиларини кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

Кун тартибидаги масала бўйича республика ИИВ ШТБИХ бошлиғи-

нинг ўринбосари, милиция полковниги Ф. Мамаюсуповнинг маърузаси тингланди. Нотик кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш, шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, ходимлар томонидан содир этилаётган хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш ҳолатларининг олдини олиш борасида эришилган натижалар ҳақида тўхталиб ўтди. Шу билан бир қаторда, ҳисобот даврида бу борада амалга оширилаётган ва олиб борилаётган ишлар ҳали старли даражада эмаслиги, йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланиши зарурлигини таъкидлаб ўтди.

ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги А. Юнусходжаевнинг ички ишлар идораларида касбий ва жанговар тайёргарлик машғулотларининг  
(Давоми 2-бетда).

## UCHINCHI «Посишда» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI





# КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШ

(Давоми. Боши 1-бетда).

олиб борилиши, хизматга янгидан қабул қилинганларнинг бошланғич тайёрловини ташкил этиш ҳолати ва бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш ҳақидаги маърузаси тингланди. У номзодларни хизматга қабул қилиш, бошланғич тайёргарликдан ўтказиш, ички ишлар идоралари ва тизимларида шахсий таркибнинг хизмат, жанговар ва касбий тайёргарлигини ташкил этиш борасида олиб борилган ишларнинг ҳолати, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Йиғилиш иштирокчиларидан Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги А. Аҳмедбаев, Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги С. Пулатов, Қашқадарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари,

ички хизмат майори А. Хушвақтов, Сирдарё вилояти ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Ю. Тошбоев, ИИБ ЖИЭББ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги С. Собиров, ИИБ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Раҳматуллаевларнинг кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш борасидаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Х. Зокиров ички ишлар идораларида ислохотлар бўйича амалга оширилаётган ишлар, вазирлик шахсий таркиб билан ишлаш Хизматининг шу йилнинг 8 ойи давомидаги фаолиятига баҳо берди. Нотиқ ўз нутқида номзодларни танлаш, жой-жойига қўйиш, ўқитиш,

тарбиялаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада яхшилаш, ходимларнинг касб маҳорати, хизмат вазифаларига бўлган масъулияти, талабчанлигини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, шахсий таркибнинг жанговар ва касбий маҳоратини юксалтириш, жисмоний тайёргарлик машғулотларини янада яхшилаш, маънавий ва маърифий билимларини ошириш каби масалаларга эътиборни қаратди. Лозим бўлса, ички ишлар идораларининг қуйи тизимларига амалий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштирилиши борасида кўрсатма ва йўлланмалар берди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўтган мазкур кенгайтирилган йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шундан сўнг йиғилиш қатнашчилари Тошкент шаҳар ИИББ "Маънавият ва маърифат", жанговар тайёргарлик марказларида бўлиб, ички ишлар идораларига номзодларни қабул қилиш, ходимлар билан жанговар ва хизмат тайёргарлиги машғулотлари олиб борилиши билан яқиндан танишдилар.

Мурод ТИЛЛАЕВ.

«Пахта — 2002»

## ҲАММА МАСЪУЛ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2002 йил пахта йиғим-теримини уюш-қоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори юзасидан амалга оширилаётган ишларни бажариш учун Республика ИИБ ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан режалар белгилаб олинган. Айни кунларда ана шу режалар асосида муайян ишлар қилинган. Жумладан, ташмачилик, экинларни пайхон қилиш, пахтани республикадан ташқарига олиб чиқиш ва бошқа қоидабузарликларнинг олдини олиш учун мунтазам текширувлар ўтказилган.

Масалан, Избоскан туманида яшовчи Т. К. Пахтаобод туманининг "Озод" ширкат хўжалиги даласидан 107 кг пахтани ўғринча олиб кетаётганида ушланган. Унга туман суди томонидан жарима солинди.

Мавсум бошидан бери жами элликка яқин пахтани ўғирлаш ва ўзлаштириш ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди ва жиноят иши қўзғатилди.

Жойларда пахтани пайхон қилиш ҳолатларининг учраб тургани ташвишли ҳолдир. Қаровсиз қолган моллар гўзаларни босиб, янчиб, катта зарар келтиряпти. Каттакўрган туманидаги Э. Курбонов номли ширкат хўжалигида

яшовчи О. Ражабнинг 7 бош қорамоли пахта майдонига кириб, пайхон қилиб, хўжаликка 80 минг сўм зарар келтирган. "Қўштепа" қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига биноан айбдорнинг бир бош қорамоли сўйилиб, болалар боғчасига топширилди.

Мавсум бошидан бери молларини қаровсиз қолдириб, пахтанинг пайхон бўлишига сабабчи бўлган айбдор шахсларга 2,4 миллион сўм жарима солинди, 89 та қорамол сўйилиб, болалар боғчалари кам таъминланган оилалар, қариялар уйларига топширилди.

Пахта йиғим-терими айни қизиган паллада носоз трактор-транспорт воситаларининг фойдаланиш оқибатида йўл-транспорт ҳодисалари келиб чиқмоқда. Шунингдек, қимматбаҳо хом ашёни республикадан ташқарига олиб чиқишга уринишлар ҳам рўй бермоқда. Бундай қонунбузарликлар, айниқса Андижон ва Наманган вилоятларида кўп қайд этилмоқда. Айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўриляпти.

Ички ишлар идоралари ходимлари йиғим-терим мавсумини самарали ўтказиш учун мавжуд имкониятларни ишга солиб, содир этилаётган қонунбузарлик, қоидабузарликларга нисбатан зарур чоралар кўришмоқда.

М. ТҶХТАЕВ,  
милиция майори.

## ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси соҳада хизмат қилувчи ходимларнинг касб маҳорати ва билимини янада ошириш мақсадида ўқув семинарлари ўтказишни йўлга қўйган. Икки кун давом этган навбатдаги семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ҳамда вилоятлар ИИБлари ХЧК ва ФБ чет эл фуқароларини ҳисобга олиш ҳамда қайд қилиш бўлим ва бўлинмаларининг бошлиқлари, масъул ходимлари иштирок этишди.**

Тадбирни ИИБ ХЧК ва ФБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Шорихсиев очиб, семинар

асослари" мавзусида маъруза қилди. Вазирликнинг тегишли буйруғига асосан республика

ган маърузалар семинар қатнашчиларини бу борадаги янгилеклардан воқиф этди. Шунингдек, ИИБнинг буйруғи асосида чет эл, МДХ фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш гувоҳномасини олиш ва доимий қайддан ўтиш, хужжатларни расмийлаштириш, кўриб чиқиш тартиби хусусида катта инспектор, милиция майори Б. Байбаев маърузаси ҳамда бошқа мавзулардаги чиқишлар семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Тадбир чоғида бошқарма раҳбарлари иштирокчиларга Республика Вазирлар Маҳкамасининг ИИБ Хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси фаолиятига доир сўнги қарор ва фармойишлари талабларини муфассал тушунтириб, уларни амалиётда қўллаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича йўл-йўриқлар кўрсатдилар.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Сўнгра ўз хизматлари бўйича синов имтиҳонлари топширишди.

Тадбир иштирокчилари амалий машғулотларда ҳам қатнашдилар.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ички ишлар идораларида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик кўриш бўйича белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мажлисни республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Х. Ибрагимов бошқарди.**

Шундан сўнг вилоятлар ИИБлари бошлиқлари ижтимоий ва молиявий таъминот бўйича ўринбосарларининг маърузалари тингланди.

Йиғилиш давомида иштирокчилар мажлиса

## ҚИШКИ МАВСУМ — ЭЪТИБОРДА

Унда республика ИИБ Молия-иқтисод бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Ў. Аҳмедов, ИИБ Моддий-техника таъминоти бошқармаси бошлиғи,

ички хизмат полковниги Х. Акбаров, ИИБ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги М. Соатовлар сўзга чиқишди.

қатнашаётган республика Солиқ Давлат қўмитаси масъул ходимларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

Кинология хизмати

## САМАРАЛИ БЕЛЛАШУВ

**Республика ИИБ Транспорт ички ишлар бошқармаси хизмат итларини ўргатиш питомнигида кинология кўпураши бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Бундан кўзланган мақсад кинологлар малакасини ошириш ва хизмат итларининг жиноятларни очишга тайёрлигини текшириб кўришдан иборат эди.**

Ушбу тадбирда республика ички ишлар идоралари тармоқ бўлинмалари кинологлари қатнашишди.

Семинар ишида Транспорт ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги И. Хилватов иштирок этди. Услубий машғулотлар мобайнида портловчи ва гиёҳвандлик моддаларини топиш, одорология


(изи бўйича жиноятчини қўлга олиш), қуролланган жиноятчини қўлга олишга итларни ўргатиш услуб ва услулари такомиллаштириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Ўтказилган беллашув кинологларга ўзлари ўргатган итларнинг амалда намоиш этиш имконини берди.

Мусобақа натижаларига кўра Андижон бе-

кати тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинологи, милиция кичик сержанти Х. Камолетдинов ўзининг "Рекс" лақабли ити билан биринчи ўринга сазовор бўлди. Транспорт ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш питомниги кичик инспектор-кинологи, милиция сафдори К. Абдувоҳидов ва унинг "Корд" лақабли овчаркаси иккинчи ўринни, Қўқон бекати тармоқ ички ишлар бўлими кичик инспектор-кинологи, милиция катта сержанти Б. Солиев ва у парваришлаётган "Князь" лақабли ит учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ўз мухбиримиз.



ўтказишдан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳақида тўхталди. Сўнгра бўлим бошлиғи, милиция подполковниги А. Аъзамов "Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартибини назорат қилишнинг ҳуқуқий

ликамизда бўлиш қоидаларини кўпол равишда бузган чет эл фуқароларини ўз мамлакатларига чиқариб юбориш тартиби тўғрисида бўлим бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Қ. Зокиров, катта инспектор Н. Меликулов, инспектор А. Юнусхўжаевлар қил-



1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАБИЙЛАР КУНИ



# ТАЪЗИМ

(Бадиҳа)

*Ҳақ йўлида ким сизга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила!*

Алишер НАВОЙЙ.

Бошланғич синфда ўқиётганимда ҳамма фанлардан аҳо баҳо олардим, фақат ёзувим хунук эди. Ўқитувчимиз Садиров кўлимдан ушлаб партама-парта олиб юрардилар. "Қара, бунинг боши иккидан чиқмайди. Лекин хати чиройлилигини қара! Бу амаллаб "уч"га илинади, ammo ҳуснихатдан "беш" олади. Нега сен ҳамма фандан "беш"га ўқийсан, ўзинг синфбошисан, ёзувинг хунук?" — дердилар. Иккинчи синфнинг охириларимиди, илк бор у киши ҳуснихатдан менга "аҳо" баҳо қўйдилар. Шунча олган "беш"ларим бир бўлдию, бу бир бўлди. Гўё қанот чиқардим. Демак, ҳаракат қилсам бўларкан, деган хулосага келдим. То мактабни битирганимча ҳам ёзувим устида ишлашни тўхтатмадим. Эсимда, ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон

Миллий университети)га кириш имтиҳониде адабиётдан иншо ёзаётган эдим. Бир домла тепамга келиб пича тикилиб турдилару: "Ўзиям, тэриб ёзаркансиз!" дедилар. Мен эса дарҳол устозим Садировни эсладим, унга қойил қолдим.

Бешинчи-олтинчи синфларда ўқиб юрган кезларим шэър машқ қила бошладим. Биздан бир-икки кишлоқ нарида Бобоқул Мансуров деган шоир яшашини, у қўшни мактабда дарс беришини, бир пайтлар туман газетасида ҳам ишлаганини эшитган эдим. Бир ёз кунни пешин маҳали шэър дафта-римни кўлтқаб уникига йўл олдим. Сўраб-суриштириб уйини топдим.

Домла машқларимни варақлаб мактаган бўлдилар. У-бу камчилигини айтдилар. Сўнг гоҳ ёдан, гоҳ китобга қараб шэърлар ўқидилар.

Нодирдан, Фурқатдан, Муқимийдан, Эркин Воҳидовдан. Кузатиб кўяётиб "Ёзишни ташлама, тез-тез келиб тур!" деб тайинладилар. У кишидан анча-мунча китобларини олиб, мутулаа қилдим. Бир кунни шоира Робия билан боғлиқ воқеани айтиб бердилар. У бир йигитни севган экан. Золим акаси буни билиб қолиб газаб ўтида синглисини қизиб турган ҳаммомга қамаган. Шоира томирини кесиб, юрак қони билан ҳаммомнинг тош деворларига шэърлар битган.

Эртасига акаси ҳаммомга кирса, шоира ўлиб ётибди, ҳаммом деворларида эса қонли сатрлар лов-лов ёнади. Уларни на ювиб кет-кизиб бўлади, на қириб...

Бир кунни синф раҳбаримиз Бибиғул Бозорова шэър ёзишимдан хабар топбидилар. Ўзлари сиртдан Бухоро педагогика институтиде ўқидилар. Машқларимни ўқиб роса мактадилар. "Бухоро вилояти газетасида Оқработ кишлогилик Жаҳонгир Исмоилов ишлайди. Юр, ўшанинг олди-га олиб бораман", — деб Бухорога бошлаб кетдилар. Жаҳонгир акадан адабиёт, шэърят бўйича кўп сабоқлар олдим. Илк тўртликим матбуот юзини кўришига сабаб бўлган ҳам, Абдулла Орипов шэърятига ошно қилган ҳам шу инсон. У киши "Ҳақиқий шэър, ижод дарддан туғилади" деб кўп такрорлардилар. Мен дарднинг ўзи нима экан, деб ҳайрон эдим. Вақти-соати билан дард ҳам келаркан, уни қоғозга туширишга қий-

налган, бунинг иложини тополмаган, бир дарддан қутилиб энгил тортганингизда иккинчиси мана мен деб турган пайтлари ҳам бўларкан. Шундай кезлари доимо Жаҳонгир акани эслаймак.

Мен республика ИИБ Тошкент олий ҳарбий техника билим юртида ҳам олти-етти йил хизмат қилганман. У ерда Валерий Мясегляйнен деган офицердан кўп нарса ўргандим. Айниқса, бир гапи ҳеч эсимдан чиқмайди. "Сен бошлиқларга ёқаман деб ўзингни қийнама. Бугун битта бошлиқ, эртага бошқаси. Аввало вазифангни қотириб бажар. Шунда ҳар қанақа бошлиқ, у инсофли бўлса, қадрингга етади", — деганди. Шу билим юртининг раҳбари, генерал-майор Ш. Ниёзовнинг ҳам кўп такрорлайдиган бир гаплари бор. "Ҳар кимнинг бахти ҳам, омади ҳам, бахтсизлигию омадсизлиги ҳам ўз қўлида", — дерди у киши.

Республика ИИБ Бирлашган таҳририятида иш бошлаганимда жамоа ижодий жамоаси мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. З. Атаев, М. Тиллаев, Э. Сатторов, Ш. Худойбердиева, С. Шодибе, С. Шамсидинов каби устозлардан кўп нарса ўргандим. Бировлари мавзу йўналишлари топшимга ёрдамлашиди, бошқалари дастлабки ёзганларимни таҳрир қилишиб, хатою камчиликларимни кўрсатишди. Улар бирорбир тузукроқ мақола ёзсам, мактаб кўнглимни кўтаришди. То бугунгача қадрдон ҳамкасбларимдан ижод сирларини ўрганиб келаман.

Албатта, бир мақола ҳажмида ҳамма устозларимни эслашим амримаҳол. Ammo барчаларини доимо ёдда тутаман. Уларнинг ўғитлари, маслаҳатлари юрагим деворига бамисоли шоира Робия шэърлари каби бир умрга муҳрланган! Байрам арафасида уларга, оламдан ўтганларининг эса хотиралари олдида таъзим бажо айлайман!

Хуршид.

## МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

**Тошкент шаҳар ИИББ ўқув марказида тингловчилар бошланғич тайёргарликдан муваффақиятли ўтгач, қасамёд қабул қилишди. Улар учун бу ҳақиқий хизматнинг бошланганини англатади.**

Албатта, ёш ходим фаолияти давомида мунтазам ўқиб-ўрганиши, ўз билим ва маҳоратини ошириб бориши лозим. Ammo бошланғич тайёргарлик тингловчи — бўлажак ходим учун биринчи катта дарс, сабоқ. Айнан ана шу дарсда у хизмат алифбосини ўрганади.

Масалан, патруль-пост хизмати милиционери ҳуқуқбузарни бир қарашда қандай билишни, унга қандай муомала-муносабатда бўлишни, жиноятчини зарарсизлантириш, ўзини ҳимоя қилиш усуллари шу ерда ўрганади.

Ўқув дастурларида Тошкент шаҳрида хизмат ўташнинг хусусиятлари, мураккабликлари ҳисобга олинган. Ўқитувчилар сабоқлари тингловчилар хотирасида яхшироқ қолиши учун милиционер у ёки бу вазиятда қандай ҳаракат қилиши лозимлигини нафақат тушунтиришади, балки машғулот чоғида ўзлари бажариб кўрсатишади ёки шу мавзуда видеоматериаллар намойиш этишади. Тўғри, бу ерда таълимнинг техник воситалари етарли, янги-янги махсус ўқув хоналари жиҳозланяпти. Ammo барибир, моҳир ўқитувчининг ўрнини ҳеч нарса боса-олмайди. Чунки устоз нафақат ўз тингловчисига билим бериши, балки унинг қалбига бурчга садоқат, масъулият туйғулари ҳам сингдириши лозим.

Ўқув марказида ўқитувчилар танлашда ана шу жиҳатларга катта эътибор берилади. Кўплар бу ерга узоқ йиллар амалий соҳада ишлаб, катта тажриба тўплаб келишади. Милиция подполковниклари Л. Иралиева, В. Каримов, А. Сулаймоновлар шулар жумласидандир.

Бу ерда бор-йўғи бир неча ой таҳсил олишади. Шу қисқа вақт ичида тингловчига ҳуқуқий билим асослари, қуролдан отиш кўникмалари, фавқуллода вазиятларда ҳаракат қилиш тактикасини ўргатиб улгуриш керак. Бўлажак ходимларни маънавий-руҳий тайёрлаш ҳам таълимнинг ўта муҳим бўғинларидандир. Энг катта имтиҳон эса олдинда. Бу — ҳаёт синовидир.

Бугун илк сабоқни чуқур ўзлаштириб, қасамёд қабул қилиш учун сафда турганлар эртага пойтахт милицияси сафларида ўзининг муносиб ўрнини топишади, деб ишонамиз. Бунда эса ўқитувчининг, ўқув маркази жамоасининг, бу билим даргоҳида хизмат қилаётган барчанин г муносиб ҳиссаси бордир.

Ўз муҳбиримиз.



Суратда: Чилонзор туманидаги 202-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Турдихон Алимова машғулот пайтида.

А.РИСҚИЕВ олган сурат.

Ёднома

## БАҒРИ КЕНГ УСТОЗ ЭДИ...

*Сақлаиб сувда садаф  
сайқал сабаб дур бўладур,  
Яхши шоғирд қалбида устоз  
ўчмас нур бўладур.*

Шоир ҳақ. Устозни эсдан чиқармаслик, доимо ҳурматини бажо келтириш нафақат у, балки шоғирдининг ҳам бахтидир. Зеро, устоз ҳаётлигида бой тажрибаси, доно маслаҳатлари, дунёдан ўтган бўлса, руҳи содиқ шоғирдини қўллағусидир.

Анджон шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Абдумуталлиб Эргашев суҳбат орасида:

— Остонақул Маҳмудов яхши одам эди-да, — деб қолди.

— Нимасини айтасиз, — дедим унинг фикрини тасдиқлаб, — биз ҳали милицияга кирмасимиздан бир-биримизни яхши билар эдик. Диёнатли, бир сўзли, адолатли инсон эди у.

— Москвада ўқиб юрган кезларим эди, — сўзида давом этди А. Эргашев, — дарсдан сўнг ётоғимизга келсам, остонада майин кулимсираб бошлиқ турибди. Отамни, акамни кўргандек хурсанд бўлиб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Анча совға-салом билан мендан хабар олгани

келибди. Ўзингиз биласиз, талаба-лик даври, унинг устига мусофир ер... Хуллас, ушбу воқеа хотирамда бир умрга муҳрланиб қолди. Бу киши милицияда меннинг биринчи устозларимдан ҳисобланади. Унинг қўлига оддий жиноят қидирув ходими бўлиб ишга келганман. Қарийб ўн йил таълимини олдим. Катта ҳаёт йўлига чиқшимда устознинг хизмати беқиёс...

Ҳақиқатан ҳам Остонақул Маҳмудов кўпчиликка беминнат ёрдам қўлини чўзган. Милициядаги салкам ўттиз йиллик хизмати билан ёшларга ибрат бўла олган камтарин раҳбарлардан эди.

... Бундан йигирма йил муқаддам шаҳарлик бир ўртоқ хизмат пилла-поясидан тойиб, амал курсисидан ажралиб қолди. У энди ҳар қандай ишга ҳам рози эди. Қонда бўйича қайси туман милицияси бошлиғининг розилигини олиб келса, бошқарма бошлиғи ўша ерга буйруқ билан расмийлаштириб қўяр эди. Мен (у вақтлар кадрлар бўлимида ишлар эдим) яқин туманларнинг бирида убоп иш борлигини айтиб, бошлиғининг розилигини олиб келиши кераклигини айтдим.

— Сиз айтётган бошлиқ меннинг энг яқин дўстим бўлишидан ташқари, қариндошчилигимиз ҳам бор. Ўша бўлимга буйруқ чиқара беринглар, у қайтага хурсанд бўлади... — деди тўла ишонч билан.

Мен бундай қилиш мумкин эмаслигини, билдиргиси устига "розиман" деб ёздириб келиши зарурлигини уқтирдим.

— Бугуннинг ўзидаёқ ўша бир парча қоғоз қўлингизда бўлади, — деб чиқиб кетди у.

Орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг, тарвузи қўлтигидан тушиб, кириб келди. Қариндош бошлиқ турли баҳоналар билан уни ўзига яқинлаштирмапти. Яна икки-уч туман ИИБ бошлиқлари ҳам "урилган" ходимни ўзларидан узоқлаштиришга ҳаракат қилишади. Шунда мен Остонақулга қўнғироқ қилдим. Мақсадни англагач:

— Э, дўстим, бу амал курсиси ҳаммадан қолиб кетади. Жўнатинг ўша ўртоқни, мен билан бирга ишлайди, — деди раҳбарларга хос салобат билан.

"Урилган" ходим ёнимда турган эди. Назаримда қанот чиқариб учиб кетди. Бир неча йил унинг қўл остида ишлаб, нафақага чиқди.

Остонақул Маҳмудов қарийб ўн икки йил Пахтаобод тумани милициясини бошқарди. У шу ҳудудда осойишталик, намунали тартиб ўрнатиш учун бор кучини аямади. Ички ишлар бўлимининг бугунги маъмурий биноси қурилишида жон-бозлик кўрсатди, бош-қош бўлди. Сўнг Улуғнор милициясини бошқариш учун қўл қўйнига отланди...

Бугун у орамизда йўқ. Ammo Пахтаободда ҳам, Улуғнорда ҳам, вилоятимизнинг бошқа туман, шаҳарларида ҳам милициянинг раҳбарлик лавозимиде ишлаётган шоғирдлари учрашиб қолишганда у хотирланади, раҳбарлик услублари ёдга олинади.

Остонақул фарзандларини ҳам муносиб тарбия қилди, уларга ҳалоллик ва покликни ўргатди. Унинг тўрт ўғли ва бир қизи бугунги кунда мустақил юртимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар: қизи Гулнара шифокор, тўнғич ўғли Аъзамжон вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли автокорхоналарнинг бирида раҳбарлик лавозимиде, Адҳамжон тижорат ишлари билан банд. Дилмурод зоотехник, кенжа ўғли Отабек компьютер мутахас-



сиси... Остонақулнинг қарийб ўттиз беш йиллик ҳамроҳи, милиция хизматининг барча инжиқликларига турмуш ўртоғи билан баравар кўниккан Маҳсудахон опа бугунги кунда Оллоҳга шукроналик келтириб, ўн бир набиранин г бувиси бўлиб ўтирибди.

Ҳа, марҳум дўстимиз ҳаётдан эрта кетди, не-не орзулари армонга айланиб қолди. Йўқ, адашдик, улар армонга айлангани йўқ. Марҳум милиция подполковниги Остонақул Маҳмудовнинг эзгу ниятларини бугунги кунда унинг шоғирдлари, фарзандлари рўёбга чиқаришмоқда.

Т. РАҲМАТУЛЛАЕВ,  
истеъфодаги милиция полковниги.



## ВАЗИЯТ БАРҚАРОР

— Вилоятимизда тезкор вазиятнинг барқарорлигига эришганмиз, — дейди вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги А. Назиров. — Сўнгги йилларда жиноятларнинг умумий сони камайиши кузатиляпти. Уларнинг фош этилиши даражаси эса юқори. Бунга жамоатчилик билан алоқаларни кенг йўлга қўйганимиз, самарали усуллар қўлланилаётгани туфайли эришаётганимизни айтиб ўтишим зарур.

Кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз. Авваламбор ҳарбий хизматни ўтаган, меҳнатда тобланган маҳаллий ёшлар сафларимизга қабул қилинаёпти.

Масалан, Зарафшон ва бошқа туманларда ҳам корхоналар жамоаси тавсия этган йигитларни ўқув марказимизга, айримларини республика ИИБ олий таълим муассасаларига ўқишга юборяпмиз. Токи улар жойларига қайтишсин, шу ерда хизмат қилиб эл-юртга фойда келтиришсин.

Шу ўринда милицияни маҳаллий ҳокимиятлар, саноат корхоналари, биринчи гада Навоий кон-металлургия комбинати раҳбарияти ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Уларнинг ички ишлар идораларининг моддий-

техник таъминотига катта ёрдам бераётгани таҳсинга сазовордир.

Ҳамма соҳада бўлгани сингари бизда ҳам муаммолар бор, албатта. Аммо уларни ҳал қилса бўлади. Ҳал қиялпмиз ҳам. Маълумки, вилоятимиз иқлимга Қизилқум таъсир қилмай қолмайди. Шунинг учун ходимларимизнинг иш ва турмуш шароитларини яхши-ляпмиз. Хуллас, жазирама иссиғу қаҳратон совуққа қарамдан ходимларимиз ҳуқуқ-тартибот ва фуқароларимиз хавфсизлигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилишяпти.

### Жиноят қидирув хизмати фаолиятдан

## ҚИЗИЛҚУМДА ПОСБОНЛАР СЕРГАК

Милиция изкуварлари ҳаётдан олинган ушбу воқеаларни эътиборингизга ҳавола этапмиз. Уларни вилоят ИИБ тезкор ходимлари ҳикоя қилиб беришди. Воқеалар бепоён Қизилқум саҳросида юз берган.

### АМАКИ-ЖИЯН ГУРУҲИ

Ўтган йилнинг охирида маҳаллий электр таъминоти идораси вакиллари ташвишли қиёфада Конимех тумани ИИБга келишди. Сабаби, юқори кучли электр тармоқлари симларини кимдир ўғирлаб кетибди. Қозғистон билан чегара худудда салкам 80 км.га тортилган симлардан номнишон йўқ, фақат сим-ёғочларгина қўққайиб турарди. Етказилган зарар қарийб 40 миллион сўмни ташкил этарди.

Вилоят ИИБ ЖК ва

ТҚКБ бошлиғи, милиция полковниги Б. Жуматаев раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келганида, гувоҳларни топширинг имкони бўлмади. Унга шу яқин атрофда яшовчилардан кимдир алоқадор бўлиши мумкин эди. Тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Орадан кўп вақт ўтмай бу маҳаллий рангли металл шайдоларининг иши эканлиги аён бўлади. Гумонланувчилар милиция майори Ф.Расулов, милиция капитанлари Б. Раҳмонов ва Х. Бобоқуловларнинг савий-ҳаракатлари туфайли қўлга олинди. Улар ўн олти кишидан иборат

уюшган гуруҳ эди. Тўдага амаки-жиян Ражабовлар бошчилиги қилишарди. Гуруҳ аъзоларидан ашёвий далиллар олинди.

### ФОТОРОБОТ ИШ БЕРДИ

Шу йил июль ойининг бошларида Учқудуқ тумани ИИБ навбатчилик қисмига Учқудуқ шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирини истиқомат қилувчилар мурожаат этишди. Воқеа жойига етиб келган милиция ходимлари мазкур хонадон эгасини ўлиб ётган ҳолда топишди. Эллик ёшлардаги бу эркакка

ўткир ва ўтмас жисмлар билан бир неча жароҳат етказилган эди. Экспертларнинг айтишича, марҳум уч кунлар бурун оламдан ўтган.

Кўшнларининг гапига қараганда, у ичкиликбозликка ружу қўйган, шиша-дошлари уникида тез-тез тўпланиб туришган. Кўни-кўшнларнинг кўрсатмаларига асосланиб бехосият улфатларнинг тасвири акс этган фотороботлар тузилди. Тезкор ходимлар шу тасвирларга қараб гумонланувчиларни қидиришга киришди. Айниқса, Бреусов деган кимса изкуварларда кўпроқ шубҳа уйғотди. Кўшнлар уни уч кун олдин уй олдига кўрганларини айтишди. Гумонланувчи қўлга олинди. Кейинги тергов-тезкор ҳаракатлар унинг қотилликка дахлдорлигини тасдиқлади. Шундан сўнг қотилнинг ўзи жиноятни қандай қилиб амалга оширганини айтиб берди.

У ўша кун марҳумни-кига вино кўтариб келган. Винони ичиб тутатишгач, уй эгаси қўлбола ароғини очган. Буняман тутатгач, меҳмон яна винога чиқиб келган. Улфатларга бу ҳам камлик қилган. Иккаласи ичкилик топиш кимнинг гапи эканлиги устида фикланиб қолишган. Уй эгаси меҳмонига мушт туширган. Бреусов ҳам қараб турмаган, бўш шиша билан мезбоннинг бошига урган. Бунга қаноат қилмай ошхонадан това билан пичоқ олиб чиққан. Пичоқда етказилган сўнгги зарба марҳумнинг ўлимига сабаб бўлган. Қотил пичоқни ўзи билан олиб кетган. Жиноят қуроли Бреусов кўрсатган жойдан топилиди.



Суратда: шаҳар ППХ бўлинмаси сардорининг ўринбосари, милиция капитани Х. Жалолов милиция сержанти Э. Султонов, милиция кичик сержанти М. Аминов ва милиционер-ҳайдовчи К. Шароповларга хизмат юзасидан кўрсатма беришди.

## ИЗЛАНИШДА ГАП КЎП

Ҳамсуҳбатим Қизилтепа тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция капитани Бахтиёр Саидов. “Қорадори” тadbирининг иккинчи босқичи қизгин кетаётганини алоҳида таъкидлади. Йил бошидан буён туман худудида таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни аниқлаш бўйича 9 та ҳолат қайд этилди. Улар орасида кўнор етиштириш ҳолати ҳам учради. Буларнинг барчаси бўйича жиноят ишлари кўзгатилади.

Б. Саидовнинг тезкор соҳада хизмат қилаётганига ўн йилча бўляпти. У узоқ йиллар Навоий шаҳрида ишлади. Ҳозирги лавозимида фаолият кўрсатаётганига эса ҳадемай тўрт йил бўлади. Орттирган бой тажрибаси унга ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қарши самарали курашиш имконини берапти. Изкувар ўзига ишонилган худуддаги вазиятни, одамларни, энг муҳими, улар орасидаги жиноятга мойилларини яхши билади. Қизилтепалик тезкор ходимлар бу тоифа вакилларининг ташқи кўринишлари акс этган фотоальбомдан ташқари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари акс этган видеотекага ҳам эга. Мабодо содир этилган ҳуқуқбузарликни кўрган гувоҳлар бўлса, жиноятни очиш осон кечади. Гувоҳлар илгаридан тўпланган материалларга қараб жиноятчини осонгина таниб олишди. Бу бир неча бор амалиётда қўл келди.

Бундан анча йил олдин қирақашларга бир неча бор босқинчилик ҳужумлари содир этилган. Шундан сўнг ИПХ ва ППХ ходимларининг ўзаро ҳамкорлиги яна-

да кучайтирилди. Бу ҳамкорлик ҳозир ҳам давом этапти. Тез-тез хусусий қирақашлар тўпланиб, шахсий хавфсизлик қоидалари эслатилади. Айниқса, беаҳада пайқаган шубҳали нарсалари ҳақида милицияга хабар беришлари сўралади. Ҳайдовчилар ҳам ўзлари ҳақида гомхўрлик қилинаётганини кўриб милицияга имкон қадар ёрдам беришяпти. Натижада улар етказган хабарлар тезкор вазиятни яхшилашга муайян ҳисса қўшяпти.

Жиноят қидирув бўлинмасида ўз ишига, бурчиға садоқатли кишилар хизмат қилишяпти. Улар орасида катта тезкор вакил Д. Аслонов, тезкор вакиллар М. Муртазов, М. Аҳмедов каби фидойи ходимлар бор. Бундайларнинг ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, савий-ҳаракати туфайли кўплаб жиноятлар фош этиляпти, жамоада соғлом маънавий муҳит ҳукм сурапти.

А. СТЕПАНОВ.

## САҲИФАДА — НАВОИЙ ВИЛОЯТИ



## ТАҲРИРИЯТ ИЖОДКОРЛАРИ ПОСБОНЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳар қандай газета ва журнал ижодий жамоаси учун ўз нашрлари ҳақида муштарийларининг фикр-мулоҳазалари муҳим, қизиқ, қадридир. Шу сабабли ИИБ Бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, ички хизмат капитани Ш. Муродов, бош муҳаррир ўринбосари, ички хизмат майори А. Воргудяев ва муҳбири Б. Тошев Навоий вилоятида ижодий сафарда бўлишганида мазкур мавзу билан қизиқишди. Жумладан, улар Хатирчи тумани ИИБ ходимлари билан учрашиб, бевосита мулоқот қилишди.

Осойишталик посбонлари келгусида бизни изланишга, ўз устимизда ишлашга чорлайдиган бир қатор қимматли таклифлар беришди. Масалан, улар нашрларимизнинг асосий йўналишини ўзгартирмаган ҳолда, бошқа ранг-баранг мавзуларда ҳам материаллар ёритиб боришимизни сўрашди. Баъзилар, ички ишлар идоралари фаолиятини чуқурроқ ёритишимиз, мавжуд муаммоларни кўтариб чиқишимиз лозимлигини айтишди. Халқаро воқеалар баёнига кўпроқ ўрин ажратишимиз ҳақида ҳам таклифлар тушди. Айниқса, бола-лар тарбияси, улар томонидан

содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида кўпроқ ёзишимизни сўрашди. Биз ҳам ўз навбатида уларни ижодий ҳамкорликка, хат-хабарлари билан нашрларимизда қатнашиб туришга чақирдик.

Бундай мулоқотлар ишимизнинг сифати, самарасини ошириши шубҳасиз. Келгусида бу каби учрашувларни анъана тусига киритиш ниятимиз бор. Уйлаймизки, муштарийларимиз “қачон таҳририят аъзолари келишса, дилимиздаги гапларни айтамин!” деб кутиб ўтиришмайди, бизга таклиф ва мулоҳазалари битилган мактублар йўллашди.

### Кинология хизмати жонкуярлари

## «ГРАФ» БИЛАН ИШЛАШ МАРОҚЛИ,

— дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ милиционер-кинологи Ниёз Тўхтаев.

Кўклам нафаси уфуриб турган кунларнинг бирида вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан тантанали тadbир уюштирилди. Ниёзни шу ерда ҳамкасблари даврасида кўрдим. Бир оздан сўнг у ўзига биркирилган “Граф” лақабли ити билан майдонга чиқди. Ит унинг буйруқларига биноян тўсқлардан ошиб ўтиш, портловчи моддаларни аниқлаш, қуролланган жиноятчини тутиш, автомашина салонига яширилган гиёҳвандлик моддасини топиш каби вазифаларни бажариш техникасини намойиш этарди. Итнинг абжир ҳаракатларини, машқларни беҳато бажараётганини кўрган томошбинлар завқ билан “Яша!”, “Офарин!” дея уни олқишларди.

— Ҳозирча бундан ташқари яна 2 та итни хизматга тайёрлапман, — деди Ниёз сўхбат чоғида. — Лекин “Граф” билан ишлаш айниқса мароқли. У топшириқларни тез илғаб олади. Қолаверса, питомникда итларни боқиш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

Дарҳақиқат, бошқарма ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати питомнигида айни пайтда 60 та хизмат ити мавжуд. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида кинолог ходимлар содир этилган жиноятларни очиш, вилоят худудига ноқонуний равишда қириб келаётган гиёҳвандлик ва портловчи моддалар ҳамда ўқотар қуролларни аниқлаш мақсадида ўтказилган “Қорадори”, “Арсенал”, “Антитеррор”, “Тоғлаш” каби бир қатор тadbирларда ўзларига биркирилган хизмат итлари билан фаол иштирок этишди. Бу ерда кейинги бир-икки йил ичида ҳашар йўли билан бажарилган бунёдкорлик ишлари, ободон-

чилик, кинолог ходимларни ўқитиш, касб маҳоратини ошириш борасида амалга оширилаётган тadbирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунинг натижаси бўлса керак, жамоада Н. Тўхтаев каби ўз ишига меҳр қўйган, маҳоратли ёшлар анчагина.

— Ниёз ҳаракатчан, тиришқоқ йигит, — дейди биз билан сўхбатда питомник бошлиғи, милиция майори С. Улугов. — Шу боис қисқа фурсатда жамоада ўз ўрнини топти, раҳбарият назарига тушди. Меҳнат билан меҳр қозонди. Вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этиб, бир неча бор совринли ўринларни қўлга киритди. Унинг бундан-да катта ютуқлари ҳали олдинда...

Н. РАҲИМОВА,  
милиция катта лейтенанти.



Суратда: кинология хизмати кичик йўриқчи-кинологи Н. Тўхтаев “Граф” лақабли хизмат ити билан.

Ушбу саҳифа материалларини Ш. Муродов, А. Воргудяев, Б. Тошевлар тайёрлашди. Суратларни Н. Раҳимова олган.



# UCHINCHI «Посиња» gazetasi

## gazetasining ilovasi

### + TV OLAM

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,  
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,  
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,  
HAYRATOMUZ VOQEALAR, INTERNET XABARLARI

+ TV



OLAM

Виллой дарёси бўйида яшовчи ёкутларда бундан кўп асрлар бурун шу ерларда содир бўлган сирли ҳодисалар ҳақида афсона мавжуд. Унга кўра қадим замонларда ер остида жойлашган металл қувурдан вақти-вақти билан олов отилиб чиқар экан. Қувур ичида олов шарлар улоқтирувчи баҳайбат Уот Усуму Тонг Дуурай деган сирли махлуқ яшар экан. Махлуқнинг номи Ерни ўювчи, туйнукда бекиниб олган ва атрофидаги учраган нарсани йўқ қилувчи ваҳший деган маънони англатади.

Бу афсона ёкутистонлик уч талабани жуда қизиқтириб қўйди. Улар ёзги таътилга чиқишганида Виллой дарёси бўйига боришга қарор қилишди. Талабалар XIX асрга тааллуқли ҳужжатларда ёзиб қолдирилган Ўлим водийси ҳақида ҳам эшитишган эди. Р. Маакнинг ёзиб қолдиришича, Виллойга қуйилувчи Алгий Тимирнит (чўккан қозон) дарёси қирғоғида ҳақиқатан ерга кўмилган мис қозон бор экан. Унинг кўп қисми ер остида бўлиб, тупроқдан ташқарига чиқиб турган четларида тўрт туп дарахт ўсар экан.

Хуллас, йигитлар чодирларини ва бошқа ўрмонда яшаш учун асқотадиган лаш-лушларини олиб йўлга отланишди. Дарё яқинидаги биринчи қишлоққа кириб келишлари билан улар ўзларини халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғувчилар деб таништириб, маҳаллий аҳолидан ер остида яшовчи, олов пурковчи махлуқ ва сирли қозон ҳақида сўраб-суриштира бошлашди. Қариялар талабаларга ер остида жойлашган, кўп хонали темирдан қурилган бино ҳақида бажону дил гапириб беришди. Уларнинг айтишича, бу бинонинг ичи қаҳратон қишда ҳам иссиқ бўларкан. Қарияларнинг гапларига қараганда, бу хоналар ичига киришга ҳадлари сиққан кишилар тез орада ўлишган экан. “Ўлим водийсида, — дея пичирлашга ўтишди улар, — темир уй бор. Унинг ичида суякларигача музлаган, озиб-тўзиб кетган, қоп-қора бир кўзли, темир кийим кийган одамлар ётибди”.

Бу ҳикояларни эшитган талабаларнинг ғайритабиий ҳудудни топишга бўлган қизиқишлари баттар ортди.

Чоллар гарчи ўзлари Ўлим водийси айнан қаерда жойлашганини аниқ билишмаса ҳам, йигитларнинг ўша ёққа бориш ниятидалигини эшитиб, уларни бу йўлдан қайтаришга кўп уринишди. Аммо талабалар йўлларидан қолишмади.

Улар бир ойлardan сўнг ўз шаҳарларига қайтиб келишди. Саргузашт-талаб талабаларнинг гап-сўзларини эшитган кўпчилик уларни ақлдан озган деб гумон қилишди.

Йигитларнинг ҳикоя

ган. Шу пайт ҳар учовлари ер остидан чиқиб турган, ҳақиқатан ҳам металл қозонга ўхшаган нарсани кўриб қолишган. Қозоннинг диаметри нақ 10 метрча келарди. Яқин бориб қарашса, қурилма ҳақиқатан металлдан ясалган экан. Улар металлнинг мустаҳкамлигини текшириб кўриш учун унга болта, болға билан уриб кўришди. Аммо зарбалар таъсирида ақалли из ҳам қолмади.

Талабалар кўп хонали ер ости биносини топиша олма-

гина бўлса ҳам бир бўлак синдириб олишга уринишди. Аммо уларнинг ҳаракатлари беҳуда кетди. Металл жуда қаттиқ экан.

Талабалар шаҳарларига қайтгач, муваффақиятларидан руҳланиб (“ғалати қозон” ўрнатилган Ўлим водийсини топишди-ку!) яна кутубхонага шўнғишди. Мақсадлари Виллой дарёси қирғоғидаги сирли ҳудудга алоқадор бошқа ҳужжатлар, маълумотлар топиш эди. Омадлари келди. Архивдан владивостоклик

чўзилган бир неча водийчалардан иборат. Унда сирли иншоотлар кўп. Ўзим саккизтасини кўрганман. Уларнинг юзаси номалум металл билан қопланган.

Мен бу ерда қозонлардан бирининг ичидан қора япалоқ тош топиб олганман. Уни диаметри олти сантиметр келадиган шарнинг ярми деса ҳам бўлади. У ниҳоятда силлиқ. Тошни ўзим билан ота-онам яшайдиган қишлоққа олиб келган эдим. У аллақайда ётарди. Бир куни ромларга ойна кўядиган бўлдим. Уларни мослаб кесишда ҳалиги тошни ишлатдим. У ойнани худди пичоқ сарёғни кесгандай осонлик билан кесар эди”.

Корецкийнинг фикрича, қозонлар қайсидир қадимги халқларнинг усталарига қарашли устахоналар ёки она табиат ҳосилалари бўлиши мумкин. Аммо бир нарсани аниқки, улар атрофларидаги жонли организмларга таъсир кўрсатган.

Ёз тугаб, талабалар дарсларга киришиб кетишди. Аммо улар Ўлим водийсига қилган сафарларини тез-тез хотирлаб туришарди. Учовлон кейинги ёзги таътилда яна ўша жойларга бориб, қозонларнинг пайдо бўлиш, тева-рак-атрофга таъсир қилиш сирининг тағига етишни режалаштиришди. Аммо тез орада талабалардан бири сочи тўкилаётганини пайқайди. Бор-йўғи икки ҳафтанинг ичида у кал бўлди-қолди!

Иккинчисининг эса ўнг юзига яра тошди. Шунча шифокорларга қаратса ҳам, тузалашдан дарак йўқ. Йигитлар бу кўнгилсизликларни ўша сирли “қозон” ёнида бир неча кун тунаганлари билан боғлашяпти. Сафарнинг учинчи иштирокчиси ҳозирча соппа-соғ. Ҳозирча...

Албатта, Ўлим водийси тилсимини қандайдир самовий кучлар таъсири билан изоҳлаш осон. Аммо, мутахассисларнинг фикрича, Ёкутистоннинг Виллой дарёси бўйида юз бераётган ҳодисалар бу сирага кирмайди. Улар бу жойларни жиддий ўрганиш ниятидалар. Ўшанда кўп асрлик жумбоқ ечилса не ажаб!

**Хориж матбуоти материаллари асосида тайёрланди.**

## ЁКУТИСТОНДАГИ ЎЛИМ ВОДИЙСИ

қилишларича, Ўлим водийси Виллой дарёсининг ўнг ирмоғи бўйлаб чўзилиб ётар экан. У ерга етиб келишгач, йигитлар биринчи кунёқ қувватсизлик ҳис қилишган — бошлари айланган, силларлари қуриган. Бошда кўп юрганлари учун ўзларини шундай ҳис қилишяпти деган хаёлга бориб, чодирларини тиклаб бўлиб сув олиб келгани дарё томон йўл олиш-

ди. Аммо улар “қозон” атрофида ҳақиқатан ҳам улкан дарахтлар ва баландлиги одам бўйдан икки баравар ошувчи ўтларни кўрдилар. “Қозон” ичидан одамга хуш ёқувчи иссиқлик чиқиб турарди. Шунинг учун йигитлар чодирларини унинг яқинига тикишди.

Ғайритабиий ҳудудда қанча яшашган бўлишса, ҳар куни қозон четидан кичкина-

Михаил Петрович Корецкий деган кишининг дўстига ёзган хати топилди. У жумладан шундай ёзган эди:

“Мен илк бор Виллойда отам билан 1933 йилда бўлган эдим. Ўшанда ёшим 10 да эди, пул ишлаш учун боргандик. 1939 йилда ёлғиз ўзим бордим. Охириги марта — 1949 йилда эса тенгқурларим билан бирга бордик. Ўлим водийси ўнг ирмоқ бўйлаб



● Финляндияда фаррошлар ҳар йили сурункасига бир ҳафта ишга чиқишмайди. Одамлар тозаликнинг қадрига етишлари учун атайлаб шундай тартиб жорий қилинган.

Бизнинг баъзи бозорларимизда савдо

расталаримизда, са-йилгоҳларимизда бунинг учун бир кун кифоя қилса керак.

● Горький вилоятидаги Пьяна дарёсининг бошланиши ва қуйилиши оралиғи бор-йўғи 30 километр. Дарё 400 километрга

### АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ

чўзилган бўлиб, айланиб келиб Суру сув ҳавзасига қуйилади.

● Статистика маълумотларига қараганда лотерея ва қимор ютуқлари “13” рақа-

мига энг кам чиқар экан.

● Дунёда энг кўп гўзаллар Венесуэлада бўлар эмиш. Сўнги 20 йил давомида бу мамлакатнинг вакиллари

ўнлаб халқаро гўзаллик танловларида голиб чиқишди. “Жаҳоннинг энг гўзали” деб тан олинган 18 аёлнинг 4 нафари венесуэлаликдир. Бошқа ҳеч бир мамлакат бу кўрсаткичга яқин кела олмайди.

Бизнинг қизлар хафа бўлишмасин. Ав-

вало кўпчилик ичида ўзини кўз-кўз қилиш удумимизга унчалик ҳам тўғри келмаса керак. Қолаверса, қизларимизнинг гўзаллигини баҳолай билиш учун ҳакамлар ўзбекнинг кўзию юраги билан қарай билишлари керак.



**Денгиз қароқчилари қадим-қадимлардан маълум. Уларни шунингдек, корсарлар, буканьерлар, флибустьерлар, каперлар деб ҳам аташарди... Кўпинча давлатларнинг ҳукмдорлари ўз қўл остидаги капитанларга олинган ўлжани бўлиш шarti билан душман давлатларнинг савдо кемаларига ҳужум қилиш ҳуқуқини берар эдилар. Қонхўр ва пулга ўч "денгиз ҳоқонлари" орасида аёллар ҳам бўлганлигини кўпчилик билмас керак...**

# ҚАРОҚЧИ АЁЛЛАР

## АДМИРАЛ АЁЛ

Хитойлик Цин хонимнинг оиласидаги барча эркаклар қароқчилик билан шуғулланарди. Унинг эри оилавий қароқчилар эскадрасига бошчилик қилган ва тарихда Цин I номи билан қолган, қонхўрлиги ҳамда қўрқмаслиги билан танилган. XVII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида Цин I Жанубий Хитой денгизда "тирикчилигини" ўтказган. Йиллар ўтиб у қарида ва 1807 йилда ўлими олдидан оилавий қароқчилар эскадраси раҳбарлигини хотинига топширди.

Цин хоним биринчи навбатда барча хитойлик қароқчи гуруҳларни ягона флотилияга бирлаштиришга қарор қилди. Эрининг обрўси туфайли у қароқчилар йиғинида бирлашган қароқчилар флотилияси қўмондони этиб сайланди. Унинг қўл остида 800 жонга (Хитой кемаси) ва 1000 та кичик кема ҳамда қайиқлардан иборат катта куч тўпланди. Қароқчиларнинг сони 70000 кишини ташкил этар эди! Қисқа муддатда ўз флотилиясидаги ҳар хил тўифадаги одамларнинг ҳарбий маҳоратини оширган ва бирлаштира олган аёлнинг куч-қувватига ҳамда ташкилотчилик маҳоратига қойил қолмай илож йўқ. Кемалардаги тартиб-интизомни мустаҳкамлаган Цин хоним ишлаб чиққан қатъий қароқчилар низоми ушбу муваффақиятнинг гарови бўлди.

## ҒАЛАБАЛАР ОМИЛИ

Ушбу ҳужжатда куйидаги нарсалар битилган эди: "Агар қароқчи ўзбошимчалик билан қирғоққа тушса, жазо сифатида унинг қулоқлари тешилади; ушбу қонидани қайта бузган шахс қатл этилади. Ўлжани ёки унинг бир қисмини ўзлаштирган қароқчи ҳам худди шундай жазога тортилади. Ҳар бир қароқчи ўлжанинг икки қисмини олади, қолган саккиз қисми флотилия қўмондони ҳисобига ўтади".

Доно аёл қирғоқ ва оролардаги аҳоли билан муносабатларни бузмасликка ҳаракат қилар эди. Қўли остидагилар бу худудларда талончилик билан шуғулланганини билиб қолса, айбдорларни дарҳол қатл қилишни буюрар, қатл ҳаммининг кўзи олдидан амалга ошириларди. Қароқчилар маҳаллий аҳоли билан ўз ҳиссаларидан ҳисоб-китоб қилишлари

шарт эди. Бундай шароитда одамлар флотилияни бажону дил озиқ-овқат билан таъминлашар ва деярли ҳар доим хавф-хатардан воқиф қилар эдилар.

Хитойлик савдогарлар императорга қароқчилар тажовузидан ҳимоя қилишни сўраб тобора кўпроқ арз қила бошлашди. Иш шунчаликка бориб етдики, денгиз қароқчилари таламаган империянинг бирорта савдо кемаси қолмади. Императорнинг сабр косаси тўлди ва 1808 йилда у қароқчиларни йўқ қилиш учун кемаларнинг бутун бир флотини йўллади.

Бўлиб ўтган жангда Цин хоним ўзининг моҳир саркардалигини намоён этди. Яқинлашиб келаётган ҳукумат елканли кемаларини кўриб, улар қаршисига бир қанча жонкаларни юборди, флотнинг асосий қисмини эса қирғоқ яқинидаги пана жойларга яширди. Жанг қизигандан қизиди. Курашаётганларнинг кучлари камайганини кўрган Цин хоним пистирмада турган кемаларда кутилмаганда ёрдамга келди. Бир кун давом этган жангда ҳукумат флоти тўлиқ тор-мор этилди...

Мағлубиятдан ғазабланган император қароқчиларга яна бир ҳужум уюштириш режасини ишлаб чиқди. У ўзининг энг моҳир генералларидан бири Лик-Фага қандай бўлмасин ғалабага эришишни буюрди. Бироқ генерал қароқчилар жонка (хитойча елканли кема)лари сонини кўриб, қўрққанидан ўз кемаларини ортга буришни буюрди. Цин хоним уларни қува бошлади ва энди етганида кутилмаган ҳол рўй берди – тўсатдан шамол тўхтади ҳамда рақиблар бир-бирлари қаршисидан қимир этмай туриб қолдилар.

Цин хоним вақтни зое кетказмай ўз денгизчиларига душман кемаларига сузиб боришни буюрди. Қароқчилар буйруқни бажариб, ҳукумат елканли кемаларига чиқиб олдилар ва қўл жанги бошланди! Омад яна бир бор Цин хонимга кулиб боқди!

## КУТИЛМАГАН ЯКУН

Бу гал император қароқчилар флотилиясини тор-мор этишни ўзининг энг кўп хизмат кўрсатган адмирал Цун-Мен-Сенга топширди. Адмирал ҳал этувчи жангга бир йил мобайнида тайёргарлик кўрди. Ниҳоят, Цун-Мен-Сеннинг елканли кемалари денгизга чиқишди. Адмирал кемаларининг сони қароқчиларни кига қараганда икки баробар кўп эди. Ҳукумат эскадрасининг сон хижатдан устунлиги жанг натижасини ҳал қилди. Цин денгизчилари қаттиқ қаршилик кўрсатганликларига қарамай унинг флотилияси мағлубиятга учради.

Император ниҳоят мақсадига эришди ва ҳал этувчи жангнинг барча иштирокчиларини мукофотлади. Бироқ ғалаба тантаналари ҳали тугамасданоқ императорга Цин хонимнинг кутилмаган иши ҳақида хабар етиб келди. У тарқоқ кучларни яна тўплаб, иккита янги қароқчилар эскадралари билан бирлашиб адмирал Цун-Мек-Сеннинг ғалаба қозонган флотига ҳужум уюштирди. Денгиз жангида ҳукумат қўшинлари яна бир бор мағлубиятга учратилди!

Император қароқчиларни очик жангда енга олмаслигига кўзи етди ва сўнги чорани қўллашга мажбур бўлди: ўз хоҳиши билан таслим бўлган қароқчиларни жавобгарликка тортмасликка

сўз берди. Цин хонимнинг Опо-Таэ исмли адмиралларидан бири ўзининг 160 та кемаси ва саккиз минг денгизчиси билан императорга таслим бўлди. Император ўз сўзида турди ҳамда барча таслим бўлганларга умрбод фойдаланишга уй-жой, адмирал Опо-Таэга эса император флотида юқори лавозим инъом этди.

4. "Насаф"	23	15	2	6	48-26	47
5. "Металлург"	23	11	5	7	33-28	38
6. "Бухоро"	23	12	2	9	34-43	38
7. "Навбахор"	23	10	3	10	42-33	33
8. "Дўстлик"	23	10	1	12	29-33	31
9. "Андижон"	23	8	3	12	31-46	27
10. "Сурхон"	23	7	3	13	29-41	24
11. "Самарқанд-Д"	23	7	3	13	19-36	24
12. "Сўғдиёна"	23	6	4	13	24-43	22
13. "Трактор"	23	6	4	13	23-45	22
14. "Зарафшон"	23	6	2	15	28-42	20
15. "Кўқон-1912"	23	6	2	15	21-49	20
16. "Машъал"	22	4	5	13	23-47	17

### 24-тур 19-20 октябрь

"Трактор" – "Насаф"  
"Самарқанд-Д" – "Кўқон"  
"Бухоро" – "Зарафшон"  
"Машъал" – "Дўстлик"

### 20 октябрь

"Навбахор" – "Сурхон"  
"Андижон" – "Нефтчи"  
"Металлург" – "Қизилқум"  
"Пахтакор" – "Сўғдиёна"

### Осиё чемпионати

## НАТИЖА ҚУВОНАРЛИ, АММО...

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатининг дастлабки босқичлари муҳлисларга, айниқса юртимиз футбол ишқибозларига қувонч бахш этганди. Кетма-кет ғалабалар жамоанинг чорак финалга чиқиб олишига имкон берди.

Кўп йиллардан бери чемпионатда иштирок этиб келаётган мамлакатлар жамоалари эришилган ютуқларни кўриб, ўзбекистонликлар чемпион бўлишадиган фикрга боришди. Биз ҳам шуни орзу қил-

ган эдик. Саралаш мусобақаларида маҳорат кўрсатиб, чиройли ўйинлари билан муҳлислар ишончини қозонган ўсмирларимиз охириги ҳал қилувчи паллада эътирозларга сабаб бўлишди.

Ярим финалда кореялик ўсмирлар жамоаси билан бўлган ўйин ўзбекистонликларга нисбатан берилган юқори баҳоларни йўққа чиқарди. Жамоамиз футболчилари жавобсиз тўртта тўпни ўтказиб юборди-

лар. Иккинчи бўлим бошланишида жамоамиздан бир ўйинчи майдондан чиқариб юборилди. Бироқ, учинчи ўрин нақд эди. Агар хитойликлар устидан ғалабага эришилганда келгуси йилда ўтказиладиган жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқи кўлга киритиларди. Аммо хитойликлар бу имконни ўз фойдаларига ҳал қилишди.

Чемпионатда эришилган ютуқ чакки бўлмади, бироқ янада яхшироқ натижа кутилган эди.

Я. КОРУКА.

## ГОНСАЛЕС ЎЙИНДАН ТАШҚАРИ ҲОЛАТДА

Испания ва Европанинг етакчи жамоаларидан бири – "Валенсия" таркибида чиройли ўйин намойиш этаётган аргентиналик Кили Гонсалес тиззасидан жароҳат олди. Жамоанинг етакчи ўйинчиларидан бўлган бу футболчи энди икки-уч ҳафта давомида ўз жамоадоларига ёрдам бера олмайди.

Мутахассисларнинг айтишича, Кили Гонсалес "кўҳна қитъа"даги жамоалар ўртасида энг нуфузли мусобақа – Чемпионлар лигаси доирасида Россиянинг "Спартак", Швейцариянинг "Базель" ҳамда мамлакат биринчилигида "Райо Вальекано" ва "Сельта"га қарши кечадиган учрашувларда майдонга тушмайди.

Ҳозир "Валенсия" чемпионлар лигасининг "Б" гуруҳида пешқадамлик қилмоқда. Кили Гонсалес жамоадоларига биринчи тур беллашувида Англиянинг "Ливерпуль" клубини 2:0 ҳисобида мағлуб этганди.



Виктор ЗАПАТА: — Тўпни олсанг ол, лекин сочимга тегма.

### Бокс

## ЯНА БИР ҒАЛАБА

Ўзбекистонлик боксчилар жаҳон бокс майдонида муносиб ўринга эгалар. М.Абдуллаев, Р.Чагаев, К.Тойганбаев каби спортчиларимизни таништириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Улар орасида Артур Григорян алоҳида ажралиб туради. Яқинда у 17-мартга чемпионлик унвонини ҳимоя қилди. Германиянинг Брауншвейг шаҳрида бўлиб ўтган 12 раундлик жангда у италиялик боксчи, уч карра жаҳон чемпиони Ш.Дзофф устидан очколар бўйича ғалаба қозонди.

## УСТОЗЛАР ИЗИДАН

Кубада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида М.Маҳмудов бошчилигидаги терма жамоамиз муваффақиятли иштирок этди. Рингга чиққан олти нафар боксчиларимиздан тўрттаси шохсунага кўтарилишга муваффақ бўлишди. 54 килограммгача бўлган вазнда Б.Султонов чемпионлик унвонига сазовор бўлди. 57 килограммгача бўлган вазнда У.Бўрибоев вице-чемпион унвони, А.Матнӣёзов (75 кг) ва Д.Матчонов (91 кг) бронза медалини кўлга киритдилар.

### Дзюдо

## ЎСМИРЛАР БАҲСИ

Жанубий Кореяда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 84 давлатдан 500 дан ортиқ спортчи иштирок этди. Шунга қарамай, айрим вазн тоифаларида дзюдочиларимизга тенг келадигани топилмади. 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида С.Зокиров барча рақиблари устидан ғалаба қозонди. Н.Хурақобилова (66 кг) жамоадоларининг муваффақиятини такрорлай олмайди – у бронза медали соҳиби бўлди. З.Омонов (100 кг) ва З.Жўраева (48 кг) ҳам муносиб иштирок этиб, бешинчи ўринни эгаллашди.



# МУКОФОТЛИ КРОССВОРД

**5000  
СЎМ**

Куйидаги кроссворднинг жавобини тўғри топиб, таҳририятга биринчи бўлиб йўллаган муштарийни 5000 сўм пул мукофоти кутмоқда! Ҳолиб хатжилдларда кўрсатилган сана бўйича аниқланади.

МУАММОНОМА						Садоқатли. Кагга қоп. Фасл.	Сон. Куч ўлчаш асоби.	Инерт газ. Ошиқиш. Жануб ўсимлиги.	Миллий маросим. Нота. Тур.	Кўшин. Силкиниш. Филиппин пойтахти.	Оз. Қон томири.	Бадний ижодни ўрганувчи фан. ... Арафот.	Идрок. ... фаг.	Халокат. Волида. Кўшиқ. Тола.	Шифокор. Оқибат.	Тажриба. ... болиш.	Миллат. Геометрик жисм. Денат.	Хўл мева. Хашарот.	Халқ дostonи. Қудрат. Футболчи. Қовун нави.
▶	1	5	6	4	-														
1	5	6	4	2	7														
9	8	3	3	7	4														
Сероблик. Равшан.																			
Иситиш қурilmаси.												1							
Муסיкий товуш. Богловчи. Юз йил.							2								3				
Чок тури. Улкан дарахт.																			
Европа давлати. Об-ҳаво. Қирмизи.																			
Ранг. Абдулла Орипов шеъри. Тасанно.																			
Улкан сув ҳайвони.																			
Авом. Узунлик ўлчови. Тола.																			
Эстониядаги шаҳар. Давра қўшиғи.																			
Нота. Ток тули. Океан.																4			
Қаъба томони. Рақам.																			
Самолёт маркаси. Пайгамбар.												6							
Хўл. Тилдош кишилар.																			
Аёл исми. Дарё.																			
Насрий асар. Пазанда анжоми.																			
Ҳаво ранг. Хўл мева.																			
Жадал. Шарқ мамлакатлари.																			
Кулги.													8						
Маъшук. Ижодкор.																			
Майда хашарот.							9												

Газетамизнинг 38-сонида эълон қилинган айланма кроссворднинг жавоблари

1. Кристи
2. Ремарк.
3. Медуза.
4. Зумрад.
5. Тарнов.
6. Қувонч.
7. Тариқа.
8. Қанора.
9. Тарона.
10. Давлат.
11. Ватман.
12. Намуна.
13. Тантал.
14. Доллар.
15. Бодрок.
16. Қолдиқ.
17. Сидней.
18. Енисей.
19. Тренер.
20. Шерлок.
21. Бамако.
22. Қурама.
23. Рустам.
24. Патент.
25. Камина.
26. Қаштан.
27. Табака.
28. Барака.
29. Бармоқ.
30. Қопқоқ.
31. Ангола.
32. Ананас.
33. Сакраш.
34. Каркас
35. Мансаб.
36. Қатлам.
37. Гранит.
38. Ангара.
39. Нашида.
40. Диктор.
41. Новвот.
42. Волида.
43. Тициан.
44. Графит.
45. Арарат.
46. Фаррош
47. Шовқин.
48. Қамашаи.

Ҳозилжон ОРИПОВ тузди.

## ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Олимлардан бири айтади:  
– Қуйидаги нарсалар одамнинг доимо соғ-саломат юришига сабаб бўлади: кам ейиш, кам гапириш, кам ухлаш, кам ишрат қилиш, ўзини хушбўй нарсалар билан муаттар қилиб юриш ва тез-тез ҳаммомга бориш.

Яна у айтади:  
– Қуйидаги нарсалар кишида саломатликни барқарор қилади, ўзига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром уйғотади: тишини тозалаш юриш, озода бўлиб ювиниб юриш, сочни вақтида олдириш, дўстлар билан хушмуомала бўлиб, уларнинг кўнглини олиш, тир-

ноқни ўстирмай олиб юриш, бировларга ёрдам қўлини чўзиш.

Яна у айтади:  
– Қуйидаги феъллар саломатликка зарар қилади ва хунук кўринади: ўтириб кийиш мумкин бўлган ҳолда тик туриб шим кийиш ва ҳар томонга аланглаб ўзини кийиш, ҳайвонлар тегмайди де-

ган ўйда уларнинг олдига либос ёки бошқа ҳалол нарсаларни қўйиш, соч-соқолни қўл билан ўйнаш ёки тиш билан тиш-лаш, остана устига ўтириш, чап қўл билан овқат ейиш, тил билан либосни тозалаш, саримсоқ пўстини куйдириш ёхуд унинг устига ўтириш.


(«Ҳакимлар ҳикояти» китобидан олинди).



Яқинда Сирдарё вилоятида Ички қўшинлар Қўмондонлик штаби машқлари бўлиб ўтди. Тадбир қўпоровчи – разведкачи ва террорчи гуруҳларнинг фаол ҳаракатлари ва муҳим аҳамиятга эга иншоотларни эгаллашга уринишларининг олдини олишга бағишланди. Машқларга республика ИИБ Ички қўшинлар қўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов раҳбарлик қилди. Унда Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат чегараларини қўриқлаш бўйича қўмита, Божхона қўмитасининг шу ҳудуддаги бўлинмалари ва вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳам иштирок этишди.

Тадбир эрта тонгда “Ташвиш” сигнали бўйича шу ҳудуддаги Ички қўшинлар бўлинмалари шахсий таркибини йиғиб тўла жанговар ҳолатга келтиришдан бошланди. Машқларнинг биринчи кун иштирокчиларга тезкор кўрсатмалар етказилди. Тезкор гуруҳлар бошлиқлари олган маълумотларини харитага тушириб, вазиятни ўрганишга киришишди.

Куннинг иккинчи ярмида улар қарор қабул қилиш учун ўз таклифларини Қўмондонлик



штаби машқлари раҳбариятига тақдим этишди. Бўлинмаларга жанговар топшириқ бериш билан биринчи кун яқунланди.

Машқларнинг иккинчи босқичи биргаликда махсус операциялар ўтказишга тайёргарлик кўришга бағишланди. Бунда чегара яқинида, муҳим иншоотлар ёнида босқинчи гуруҳларни зарарсизлантириш режалари муҳокама қилинди. Чегарани қўриқловчи бўлинмалар, Ички қўшинларнинг тезкор ҳаракатланувчи ва муҳим иншоотларни қўриқловчи бўлинмалари сардорлари ўз бўлинмалари жанговар ҳаракатлари ҳамда ўзаро ҳамкорлигини жой макетларида бажариб кўришди.

Ниҳоят учинчи кун навбат амалий машқларга келди. Шу пайтгача харитага туширилган, макетларда бажарилган операциялар энди бевосита шахсий таркиб иштирокида амалга оширилди. Дастлаб давлат чегараси орқали мамла-

катимиз ҳудудига суқулиб киришга уринган “босқинчилар тўдаси”ни йўқ қилишда чегарачилар, Ички қўшинлар ва Мудофаа вазирлиги ҳарбий бўлинмалари ўзаро ҳамкорликда ҳаркат қилишларини намойиш этишди. Бунда Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли чегара ҳудудларида орттирилган

жанговар тажрибалар ҳам ҳисобга олинди.

Иккинчи кўргазмали машғулот темир йўл бекатларидан бирида қўпоровчи-террорчи гуруҳни зарарсизлантиришга бағишланди. Бунда Ички қўшинлар ҳарбийлари билан тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари баҳамжиҳат ҳаракат қилишди. Жанговар операция чоғида тинч аҳолининг, йўловчиларнинг хавфсизлиги таъминланишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлинмаси кутқарувчилари ҳар қандай фалокатлар рўй берганда жабранувчиларни кутқаришга шай туришди.

Маълумки, турли жиноятчилар ўз мақсадлари йўлида бегуноҳ одамларни гаровга олишдан ҳам қайтишмайди. Бундай ҳолларда кўп нарса махсус тайёргарлик кўрган бўлинмалар ҳарбийларининг тезкорлиги, маҳоратига боғлиқ. Кейинги кўргазмали машғулот ана шу сифатлар синовига бағишланди. Жангчилар автобусдаги гаровга олинган йўловчиларни кутқариш борасида ўз қобилият ва кўникмаларини намойиш этишди.

Қўпоровчилик, портлатишлар халқаро терроризмга хос хусусият экани кўпчиликка аён.

## Машқ майдонидан репортаж



# МАҲОРАТ СИНОВИ

Жаҳоннинг турли бурчакларида содир этилаётган бундай ваҳшийликлар телевидение орқали ҳам тез-тез кўрсатилмоқда. Машқлар режасидан ўрин олган тўртинчи кўргазмали машғулотда ана шундай гуруҳнинг хатти-ҳаракатига муҳим аҳамиятга эга иншоот яқинида қандай чек қўйиш лозимлиги амалда намойиш этилди. Иншоотни қўриқловчи қоровул таркиби тегишли сигнал олиши билан белгиланган йўриқномага мувофиқ тез, дадил ҳаракат қилди. Уларга ҳарбий бўлинма, захира бўлинмаси ҳам зудлик билан ёрдамга етиб келди.

Амалий машғулотлар дастлабки икки кунда пухта назарий тайёргарлик кўрилганлигини кўрсатди. Ҳар бир махсус операцияда кўзланган мақсадларга эришилди, қўйилган вазифалар бажарилди.

Ички қўшинлар қўмондони, генерал-майор Ж. Фозилов Қўмондонлик штаби машқлари натижаларини таҳлил қилар экан, жумладан шундай деди:

– Бу тадбирда Ички қўшинлар бўлинмалари жанговар вазифаларни бажариш чоғида бошқа вазирлик ва идоралар бўлинмалари билан амалий ҳамкорлик кўникмаларини ҳосил қилдилар, уларнинг жанговар

тайёргарлиги синовдан ўтди. Бошқарма ва бирлашмалар штаблари офицерларининг ўзларига бўйсунувчи куч ва воситаларни бошқариш маҳорати текширилди. Яна бир муҳим жиҳати, машқлар чоғида қўмондонлик таркиби ҳам, қўйи бўлинмалар офицерлари ҳам, қолаверса кўргазмали машғулотларда иштирок этган бўлинмалар шахсий таркиби ҳам қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва аниқ бажаришди. Бу уларда масъулият туйғуси ва ўзларига ишончини янада мустаҳкамлади.

Муҳокамалар чоғида баъзи бир жузвий камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилиб, машқлардан кўзланган мақсадга тўла эришилгани таъкидланди. Қўмондонлик штаби машқлари ҳарбий анъанага кўра тантанали марш билан яқунланди. Шаҳдам қадамлар ташлаб ўтаётган ҳарбийлар юзида бир оз ҳорғинлик зоҳир эди. Аммо бир машҳур саркарда айтганидек, машқда қийин бўлса, жангда осон кечади. Авваламбор тупроғимизда ҳақиқий жангу жадал ҳеч қачон бўлмасин.

**Б. ТОШЕВ.**

**Суратларда: машқлардан лавҳалар.**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ...



**Савол:** – Болани парваришlash учун бериладиган таътилдан унинг отаси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари фойдаланиши мумкинми?

**М. ТУРСУНОВА,**  
Жиззах шаҳри.

лани парваришlashга ҳалақит берувчи ногиронлиги, онанинг стационар даволаш муассасасида даволанишда бўлиши, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиши ва ҳоказо. Бундай ҳолларда, болани парваришlash учун бериладиган тегишли таътиллари ҳамда нафақани олиш учун ариза ва боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг кўчирма нусхасидан ташқари она боласини парваришлай олмаслигини тасдиқловчи (она вафот этганлиги ҳақидаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақида суд органлари берган маълумотномани ва бошқа ҳужжатларни ҳам тақдим этиш керак.

Шуни ҳам назарда тутиш керакки, Меҳнат кодексининг 234-моддаси 3-қисми болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan фойдаланиш имкониятини она уни парваришлай олмайдиган ҳоллар билангина чеклаб қўймайди. Бу шуни англатадики, ҳатто она болани парваришlashи мумкин бўлганда ҳам, амалдаги қонун ҳужжатлари билан ким парваришlashи тўғрисидаги масалани айнан оила ҳал этиши имкониятини беради.

Болани парваришlash таътилидан она эмас, балки оиланинг бошқа аъзоси фойдаланадиган ҳоллар эса иккинчи гуруҳдаги ҳолларни ташкил этади. Бунда шуни таъкидлаш муҳимки, бундай қарор аёлни хомилдорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин ҳам кейинчалик болани парваришlash таътиллари мобайнида исталган пайтда қабул қилиниши мумкин.

Болани парваришlash учун бериладиган таътиллари расмийлаштириш пайтида она ўрнига болани амалда парваришлайётган шахс боланинг онаси шу таътилдан фойдаланаётгани ва болани парваришlash нафақасини олмайётгани ҳақида онанинг иш (ўқиш, хизмат) жойидан маълумотнома тақдим этиш зарур.



**Савол:** – 2001 йилда корхонада бахтсиз ҳодиса туфайли II гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Бу ҳақда далолатнома тузилган. Менга туман ижтимоий таъминот бўлимидан нафақа тайинланди. Лекин корхона ҳали ҳеч қандай ёрдам бергани йўқ. Айтинг-чи, ишхонада майиб бўлиб қолганлигим учун қандай тўловлар тўланиши керак? Мазкур корхонада бор-йўғи уч ой ишлаганман, холос. Бу нафақа тайинлашда ҳисобга олиндику?

**А. ШУКУРОВ,**  
Тошкент вилояти.

**Жавоб:** – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддасида иш берувчининг ходим соғлиғига етказилган зарарни тўлаш мажбурияти кўрсатилган бўлиб, унда ходимнинг меҳнат жараёнида майиб бўлиб қолиши, касб касаллигига чалиниши ёки ўз меҳнат вазифаларини ба-

жариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғига етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шартлиги белгиланган. Бу тўловларга бир йўла бериладиган ва ҳар ойда тўланадиган нафақалар қиради. Меҳнат кодексининг 194-моддасида ходимга шикаст етказилганлиги муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори жамоа шартномасида кўрсатилмаган бўлса ёки бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи билан касба уюшма қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бунда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган нафақанинг миқдори – жабранувчининг йиллик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Шунингдек, ҳар ойда бериладиган нафақа миқдори сизнинг меҳнат жараёнида олгунга қадар оладиган иш ҳақингизга нисбатан фоизларда ҳамда меҳнатга лаёқатсизлик даражангизга қараб белгиланади. Меҳнатга лаёқатсизлик даражаси тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси томонидан аниқланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги Қарори бўйича корхона ўзининг молиявий аҳолидан келиб чиққан ҳолда қўшимча харажатлар учун тўловлар тўлашлари назарда тутилган.

Сизнинг корхонада 3 ой ишлаганлигингиз ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш ёки юқоридаги нафақаларни олишингизга таъсир кўрсатмайди.

**Саволларга ҳуқуқшунос**  
**Г. МУРОДОВА** жавоб тайёрлади.



«Милиция оқсоқоллари» танловига

# ХИЗМАТДАН БАХТ ТОЛДИ

**Инсон ҳаётида шундай дамлар борки, уларнинг ҳар дақиқаси мангуликка даҳлдор бўлиб қолади.**

**Кутлуг 78 баҳорни қарши олган Абдулазал Хатиповнинг ҳаётида ҳам шундай лаҳзалар кўп бўлган. Ўзбек заминиде яшаб, уни она юрти деб билган, Ватан равнақи, тинчлиги ва осойишталигига салкам қирқ йиллик хизматини бағишлаган инсоннинг бошидан не-не воқеалар, ҳодисалар ўтмаган, дейсиз.**



А. Хатипов бошлиқ этиб тайинланди. Ҳабибулло келишган, аёлларга ўч йигит эди. Бир неча кун ўрганишлар асосида қотиллик рашк асосида келиб чиққан бўлиши мумкин, деган қарорга келинди...

— Бундай воқеалар салкам қирқ йиллик иш фаолиятим давомида кўп бўлган, — дейди Абдулазал ака суҳбатимиз давомида. — Ҳар гал қотил деб гумон қилинган киши билан дилдан суҳбатлашиб, унинг руҳи-

... Ўша куни туни билан содир этилган ўғирлик ҳолати бўйича ишни охирига етказган Абдулазал, сизирини ўғирлаган бева аёлнинг йиғидан қизарган кўзларида севинч ёшларини кўрди. Болаларининг оғзи энди оқликка етганда кимдир унинг сизирини ўғирлаб кетганди. Саҳарга яқин милиционер ити билан этиб келди. Сизир боласи билан чекка қишлоқнинг бутазорлари ичидан топилди. А. Хатипов ўғрини тутиш тadbирларини янада кучайтириш тўғрисида топшириқ берди-да, хонасига кирди.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай навбатчи хона эшигини

аста тақиллатди.

— Ўртоқ бошлиқ, — деди у. — Жанубий Фарғона канали бошлиғи Ҳабибулло Сафаровни тунда кимдир ўлдириб кетибди. Унинг жасади хизмат хонасидан топилди.

— Тезда тезкор гуруҳ тўплансин. Прокурор ва вилоят ички ишлар бошқармасига хабар беринглр.

Воқеа жойига етиб боришганида Ҳабибулло Сафаров хизмат хонасидаги диванда ўлиб ётарди. Унинг бошига қаттиқ жисм билан урилган, сўнг юрагига пичоқ санчилганди.

Дарҳол тезкор қидирув гуруҳи ишга киришди. Гуруҳга

ятини ўрганиш, мураккаб ҳаракатларидан воқиф бўлиш менга кўп муваффақиятлар келтирган. — Ўшанда вилоят ИИБ ЖКБ бошлиғи эдим. Андижон билан Наманганнинг чегарасидан оқиб ўтувчи каналдан аёл кишининг жасади топилгани ҳақида тезкор хабар келди.

Жасад сувдан олингач, суд-тиббийет экспертизаси қотиллик 3-4 ой аввал содир этилган, деган хулоса берди. Бу илгариги бедарак йўқолган шахслардан қидириш, дегани эди. Тезкор-қидирув гуруҳи учун тинимсиз изланишлар бошланди. Кўпчилик билан суҳбатлашилди. Бироқ, натижа чиқмади.

Қаерда, нимада хато қилдик, дея яна бир бора ҳолатларни ёддан ўтказдим. Далилий ашёларни яна текшириб чиқдим. Мурда солинган қоп ичида аёл сочи, кўйлаги, умуман кийимларидан ташқари бир сиқим майса бор эди. Майса ҳали эски эмасди. Демак, аёлнинг ўлганига 3-4 ой бўлмаган. Экспертиза хулосаси нотўғри берилган эди.

Шундан кейин яқин 10-15 кун ичида бедарак йўқолганлар, қидирувдаги шахслар рўйхатидаги бедарак йўқолган Неля Митвиненконинг эри берган аризаси эътиборимни тортди.

Ушбу жиноят чуқур таҳлил этилганда қотил аёлнинг эри Николай бўлиб чиқди. У келтирилган далилий ашёлар олдида ожиз қолиб, қилгиликларини бўйнига олди. Хотинини нима учун, қандай қилиб ўлдирганини айтиб берди.

Чигал, жубмоқли ҳолатларни аниқлаш, уларни фош этишда А. Хатипов доимо раҳбар сифатида ходимларга ўрнак бўлди. Жиноятларни очишда ҳозиргидек техника, аниқлаш асбоб-ускуналари бўлмаса-да, барибир ҳеч бири изсиз йўқолиб кетмади.

Абдулазал Хатипов жиноятчиликка қарши аёвсиз курашди, жиноятчиларга тўсиқ қўйди. Шу хизмати билан эл-юрт ишончини оқлашдек шарафга мушарраф бўлди. Унинг умр йўллари гоҳ тунли, гоҳ шодли, гоҳ қайғули, гоҳ юлдузли бўлди. Ўтган салкам саксон йиллик умрининг ҳаёт сўқмоқлари қандай бўлишидан қатъи назар, бу инсон эзгуликка, яхшиликка интилиб яшамоқда.

С. АҲМАДЖОНОВА.

**Мамлакатимизда қимматбаҳо хом ашё — пахта йиғим-терими жадал суръатда давом этмоқда. Бу масъулиятли мавсумда ички ишлар идоралари, хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Машаққатли меҳнатлар эвазига етиштирилган ҳосилни ёнғин балосидан сақлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрмоқда. Қуйида мамлакатимиз вилоятларида пахта йиғим-терими олдидан амалга оширилган ишлар ҳақидаги хабарлар билан танишасиз.**

**Тошкент.** Вилоятнинг «Пахтасаноат» бирлашмаси томонидан жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишни таъминлаш мақсадида 300 та ОХП-10 русумли ёнғин ўчиргичлар, 3400 погон метр ёнғин ўчириш энглари, 16 та насос харид қилиниб, пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларига тарқатилди.

**Бухоро.** Шофиркон тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари пахта йиғим-терими мавсуми олдидан тумандаги пахта заводи ва Ш. Рашидов, «Дўрмон», «Чандир» пахта қабул қилиш пунктларида текширув ўтказдилар. Жойларда аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Айти кунларда эса уларни бартараф этиш учун зарур тadbирлар амалга ошириляпти.

**Наманган.** Вилоят ИИБ Ёнғин хавфсизлиги ходимлари туманларда профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда пахта хирмонлари, қабул пунктларида фуқаролар ўртасида пахтани ёнғиндан асраш борасида суҳбатлар уюштиришяпти. Наманган, Поп, Мингбулоқ,

Уйчи туманларида хашарчилар билан ана шу мавзуда учрашувлар ўтказилмоқда.

**Термиз.** Мавсум олдидан йиғим-теримда иштирок этадиган барча машина, техника воситалари ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича текширувдан ўтказилди. Айти пайтда ёнғин хавфсизлиги ходимлари ҳаракатдаги трактор, транспорт, техника воситаларини кузатиб, хирмон, қабул пунктларида кеча-кундуз навбатчилик қилишяпти.

**Нукус.** Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари «Чимбой момиғи» акциядорлик жамиятида ёнғинни тездан сезувчи ва хабар берувчи мослама ўрнатилмагани, ёнувчан қисмларга ёнғинга қарши кимёвий суюқлик билан ишлов берилмагани, ички ёнғин ўчириш жўмақлари, энг, дастак ва улаш мосламалари билан таъминланмаганлигини аниқлаб, мутасадди

раҳбарларга тақдимнома йўлладилар.

**Жиззах.** «Пахтакор» пахта тозалаш корхонасида ўрнатилган ёнғини тездан сезувчи ва хабар берувчи мослама ишламайди. Уни сошлаш ишлари пайсалга солинипти, ёғоч ва бошқа ёнувчи қурилиш қисм-

ларида энг, дастак ва улаш мосламалари етишмайди.

**Қарши.** «Муборак» пахта тозалаш корхонасида электр сим ва кабеллар ташқи ҳимоя қобиқларининг электр токига қарши чидамлик даражаси синовдан ўтказилмаган. Кичик ме-

**Самарқанд.** «Зирабулоқ толаси» хиссадорлик жамиятида мавсум олдидан текширув ўтказилиб, қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун зарур кўрсатмалар берилганди. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари қайта текширув ўтказиб, камчиликлар ҳамон мавжудлигини қайд этдилар.

**Сирдарё.** Пахта йиғим-теримида иштирок этаётган техника, транспорт воситаларининг бир қисми учун ўчиргич, бирламчи ёнғин ўчириш воситаси, пахта ташишга мўлжалланган автомобиллар шолча билан таъминланмаган. «Гулистон», «Оқ олтин», «Сардоба» пахта тозалаш корхоналари ва қабул пунктларининг сув ҳавзалари таъмирланмаган.

**Урганч.** Хонқа ва Урганч пахта тозалаш корхоналарида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари эъти-

борсиз қолдирилган. Кўрсатилган камчиликларнинг бир қисми бартараф этилган, холос.

**Навоий.** Мавсум бошланиши олдидан барча ҳўжаликлар раҳбарларига, фермерларга йиғим-теримда иштирок этадиган пахта териш машиналари, ташиш транспортларини ёнғин хавфсизлиги қоидалари асосида жиҳозлаш ҳақида кўрсатма берилган. Бироқ, мавжуд транспорт, техника воситаларининг бир қисмида учун ўчиргич, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари етишмайди.

Пахтани йиғиштириб олишда нобудгарчилик ва талафотларга йўл қўймаслик шарт. Шунинг учун ҳам мавсум олдидан жойларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан текширувлар ўтказилди. Аниқланган камчиликларни тугатиш учун кўрсатмалар берилди. Бироқ юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, айрим жойларда камчиликлар ҳанузгача бартараф этилмаган. Ҳозир йиғим-терим тобора авжига чиқаётган палла. Шу пайтгача тугатилмаган нуқсонлар қачон барҳам топади? Турли баҳоналарни рўқач қилаётган мутасадди раҳбарлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсалар фойдадан холи бўлмасди.

Д. ҚАМБАРОВ.

**Суратда:** Андижон вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги ходими навбатдаги текширувни ўтказаяпти.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА олган сурат.

## ЙИҒИМ-ТЕРИМ АВЖИДА, ЛЕКИН...

нуқсонлар қачон бартараф этилади?



ларининг тез ёниш хусусияти пасайтирилмаган. Вилоятнинг бир қатор пахта қабул пункт-

ханизмлар таъмирланмаган, сув ҳавзалари ҳамон куруқ, насослар ночор аҳволда турибди.

рида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказилган текширув натижалари эъти-



## МИЛЛИОНЕРЛИКНИ КЎЗЛАГАНЛАР

**Жиззах вилояти ИИБ йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан республикамизга ноқонуний равишда истеъмол товарларини олиб келиш ҳолатининг олди олинди.**

Вилоятнинг "Шовот" йўл-патруль хизмати масканида милиция ходимлари Самарқанд томонга ҳаракатланиб кетаётган "Мерседес-Бенц" русумли И. Илҳом ва Т. Қаҳрамонлар бошқарувидаги автобусни тўхташди. Автобус саломи ва юкхонаси кўздан кечирилганда улардан ҳеч бир ҳужжатсиз, катта миқдордаги истеъмол товарлари чиқди.

Олиб борилган тезкор суриштирув ишлар натижасида 10 нафар хусусий тадбиркор Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳар бозоридан турли хил кийим-кечакларни улгуржи харид қилиб, Жамбул, Чимкент ва Еттисойдан ўтиб, Сирдарё вилояти орқали мамлакатимизга кириб келишгани маълум бўлди. Бундан ташқари тадбиркорларнинг чет давлатдан товар олиб келишга махсус рухсатномаси бўлмаган. Амалдаги қонунларимизга биноан мажбурий тартибда мувофиқлик сертификатларини тақдим этмасдан ҳамда божхона тўловларини тўламай ўтиб кетишадиган эди.

Турли хил ёрликлар ёпиштирилган ва ишлаб чиқарилган жойининг тайини бўлмаган кийим-кечак, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар товаршунослик экспертизасидан ўтказилганда, уларнинг умумий нархи 21 миллион 227 минг 500 сўмни ташкил этди. Ушбу товарларнинг барчаси далилий ашё сифатида олинди, божхона омборхонасига топширилди.

**Б. БЕГИМҚУЛОВ.**

**Денов тумани "Ҳазорбоғ" ширкат хўжалигининг "Жаматак" маҳалласи билан Олтинсой тумани "Овчи" қишлоғи чегара ҳудудидан номаълум эркак кишининг жасади топилди. Бундан хабар топган туман ички ишлар бўлими тезкор гуруҳи ходимлари воқеа жойига етиб боришди.**

Гуруҳга туман ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи А. Мамадаминов раҳбарлик қилди. Тезкор гуруҳ таркибига тажрибали ходимлардан терговчи, милиция катта лейтенанти Т. Донаев, тезкор вакиллар – милиция катта лейтенанти Ф. Улашов, милиция лейтенанти А. Чориев, милиция лейтенанти И. Мамадаминовлар киритилди.

Тезкор гуруҳ аъзолари ишни қўшни туман ва вилоятларда бедарак йўқолганларнинг аниқ манзили, ташқи кўриниши ҳақида маълумот олишдан бошладилар. Келган жавобларнинг бирида Қарши тумани Бешкент шаҳри "Хитойкент" маҳалласида яшаган Ж. Абдиқарим 2002 йил 10 август кун "Тико" русумли автомашинасида киракашлик қилиш учун уйдан чиқиб кетиб қайтмагани маълум қилинган эди. Марҳумнинг

## ҚАБОҲАТ

қариндош-уруғлари етиб келишди ва мурданинг белгиларидан Ж. Абдуқаримни таниб олишди.

Калаванинг учи топилган эди. А. Мамадаминов автомашинанинг эҳтиёт қисмлари билан савдо қилувчиларни назоратга олишни буюрди. Бозорда икки йигит бир неча кун олдин "Тико"нинг айрим эҳтиёт қисмларини арзон-гаровга сотиб юрганлиги аниқланди. Киракаш ҳайдовчилардан Ж. Абдиқаримни охири марта ким, қачон кўрганлиги суриштирилди. Улардан бири уни ўз машинасида икки йўловчи билан кўрганлиги, улар ўзаро келишиб Қаршига жўнаб кетганлигини айтди. Ички ишлар ходимлари ҳайдовчига йўловчиларнинг суратларини кўрсатган эди, уларни таниди. Шу кунгидея Денов тумани Оқтом қишлоғида яшовчи, илгари судланган, гиёҳвандлик моддасига ружу қўйган ака-ука Маҳмуд ва Толиб Омоновлар (исм-фамилиялар ўзгартирилди) қўлга олинди.

Дастлабки тергов жараёнида гумондорлар айоханнос солишди, милиция ходимларини тўхматчиликда айблаш-

ди. Аммо далилий ашёлар, арзон-гаровга сотилган автомашина эҳтиёт қисмлари, гувоҳлар билан юзлаштирилгандан кейин улар ер чизиб қолишди. Маҳмуд Омонов терговчига бўлган воқеани рўй-рост айтиб берди.

... Ўғирлик қилиб судланган Маҳмуд Россияга ишга кетмоқчи бўлди. Аммо йўлқирга пули йўқ эди. Ишлаб топай деса, бўйни ёр бермайдди. Шунда акасини ёнига чақирди.

– Россияга кетамиз. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимайдди. Пул керак. Нима қилдик?



– Билмадим. Балки қарз кўтарармиз.

– Ним-а-а? Аҳмоқмисан. Эртага қарз берганлар тўполон кўтаради. Иннакейин биласан, сенга ҳам, менга ҳам бир тийин беришмайди. Ях-

шиси, бирор машина эгасини "гум" қилиб, машинани бўлак-лаб сотамиз ва Россияга "жўнаворамиз". Излаб топишолмайди. Ишонавер, у ёқдан келгунимизча излар бости-бости бўлиб кетади.

Ака-ука гапни бир ерга қўйиб, шаҳарлараро машиналар қатнайдиغان жойга чиқшди. Уларнинг бахтига "Тико" машинаси бўш экан. Улар Қаршига олиб бориб қўйишни илтимос қилиб, ҳақини келишдилар. Машина йўлга тушди. "Ҳазорбоғ" ширкат хўжалиғи ҳудудига келганда Маҳмуд ҳайдовчидан тўхташни илтимос қилди. Машина тўхтади. Орқадан ўтирган Толиб ҳайдовчининг бўйнига чилвир солиб бўға бошлади. Маҳмуд эса фурсатни қўлдан бермай Ж. Абдиқаримнинг кўрагига бир неча бор пичоқ санчди...

Қабоҳат ботқоғига ботган ака-укалар марҳумни яқин орадаги маккажўхоризорга элтиб ташлашди ва машинани ҳайдаб кетишди. Улар тунда машинани эҳтиёт қисмларга ажратиб, эртаси кунгидея бозорда арзон-гаровга сотиб юборишди.

Жиноят ўн беш кунда очилди. Ана шу муддатда туман ички ишлар бўлими ходимлари туну кун изланишда бўлишди. Бир инсоннинг умрига зомин бўлган, гиёҳвандлик, хунрезлик ботқоғига ботган ака-укаларни одил суд ҳукмига топширилганларидан сўнггина енгил нафас олишди.

**Р. ТЎРАҚУЛОВ.**

*Сурхондарё вилояти.*

**Инсон орзу-ҳавас билан яшайди, фарзанд ўстириб, унинг камолини кўргиси келади. Шодия Давронова ҳам қиз катта қилиб не-не орзулар билан узатди. Бироқ бечора онанинг ниятлари кўз очмай хазон бўлди. Икки ёш келишолмай ажралишди. Куёви Нажмиддин Файзиев унинг хонадонига, мол-мулкига кўз олайтирди. Қайнонасининг анчагина бойликлари борлиги, ёлғиз яшашини ўзининг жиний шерикларига билдирди. Бу эса улар учун айни муддао эди.**

## ШОДИЯ БИБИНИНГ КУЁВИ

### ЎҒРИЛАРГА ЙЎЛ КЎРСАТДИ

Амнистия тўғрисида озодликка чиққан Алишер ўша кун таниши Нажмиддиннинг уйига келди. – Ие, Сергей ҳам шу ерда-ку! Учрашганимиз яхши бўлди, оғайнилар. Бирор жойни нишонга олмасак, ҳолимизга вой. Чўнтакда ҳеч вақо қолмади, – деди Алишер.

– Ҳе, шунга ҳам ташвиш тортасанми, братан. Нажимдан умид катта. Манзилни тезроқ тушунтир Нажим, ўзинг бормасанг ҳам майли. Қуруқ қўймаймиз сени, – деди Сергей Нурлаев.

Шерикларига қайнонасининг

манзилини айтгач, Нажмиддин уларга омад тилади. Учқовлоқ қўл ташлашди. Жиноятчилар Бухоро шаҳри Тўқимачилик туманидаги Абдурахмон Жомий кўчасида яшовчи Шодия Давронованинг уйига ўғирликка киришди. Юзларига ниқоб кийган бу кимсалар хонадон соҳибасини кўрқитиб, куч ишлатиб қўлоқлари, юз-кўзларини боғлашди. Жабрдийданинг қўлоғидаги 70 минг сўмлик зирагини, "Панасоник" мусиқа марказини, икки дона аёллар қалпоғини, бир дона жинси шим, қиммат-

баҳо мунчоқ, 60 минг сўм нақд пул, бир дона тилла узук — жами 264 минг сўмлик мол-мулкни босқинчилик йўли билан қўлга киритдилар.

Нажмиддин ўғирлик молларининг бир қисмини ўғай онасининг уйига яширди. Пулларни эса ҳамтовоқлар ўзаро бўлишиб олишди. Бироқ тезкор ходимлар маҳорати тўғрисида босқинчилар қисқа вақт ичида қўлга олинди, жиноят иссиғида фош этилди.

Ака-ука Алишер ва Анвар Ариповларнинг эғнидаги кийимлари текширилганда героин топилди.

Улар инсон ҳаёти учун хавфли бўлган моддани қонунга ҳилоф равишда сақлаб келаётганликларини аниқланди.

Сергей Нурлаев эса босқинчилик жиноятини содир этгунга қадар Бухоро шаҳар "Кунжиқалъа" маҳалласидаги янги қурилган ҳовлиларда ўғирлик ҳам қилганини тан олди.

Аввал судланиб, қамоқ жазосини ўтаётганда амнистия муносабати билан озодликка чиққан бу "қаҳрамонларимиз" ўзларига тегишли ҳулоса чиқаришмаган кўринади.

Ҳукм ўқилди. Судланувчи Нажмиддин Файзиев, Алишер Арипов, Анвар Арипов, Сергей Нурлаевлар қилмишларига яраша жазога тортилдилар.

**А. ЖУМАЕВ,**

*милиция майори.*

**Л. МАНСУРОВА,**

*журналист.*

### ... Пайшанбадан пайшанбагача...

#### ДАРД БОШҚА, АЖАЛ БОШҚА...

Жиззах шаҳрида яшовчи II гуруҳ ногирони, 1970 йилда туғилган Ш. Даминов ўз уйида тўсатдан вафот этиб, дафн қилинди. Бироқ кейинроқ марҳумнинг она аъзолари унинг ўлимида қандайдир сир борлигини билдиришди. Шусиз ҳам шубҳага бориб турган тезкор ходимлар тегишли рухсатни олгач, мурдани эксгумация қилиб, суд-тиббий экспертизасидан ўтказдилар. Марҳум қовурғалари синиши оқибатида ўлганлиги маълум бўлди. Қидирув ишлари бошланиб бир кун ичида қотил топилди. У 1978 йилда туғилган М. экан.

#### ЖАРРОҲНИНГ ЖАҲОЛАТИ

Тошкент шаҳридаги тиббий муассасалардан бирининг бўлим мудури, 44 ёшли Ф. оқ халатига ҳора доғ туширди. Шифокор беморни операция қилиш эвазига унинг ўғлидан 600 АҚШ доллари талаб қилди. Шу кун Ф. хизмат хонасида 500 АҚШ доллари ва 10.000 сўм пулни пора сифатида олаётганда қўлга тушди.

#### ЗЎРАВОНЛАР

Тошкент шаҳрининг А. Икромов туманида 20 ёшли А. Алибоевга пичоқ ўқталиб, пул талаб қилган тўрт номаълум кимса унинг ёнидаги 50.000 сўм пулни олиб, ғойиб бўлишди. Қидирув ишлари натижасида бу босқинчиликни содир этган уч нафар сурхондарёлик ва Наманган вилоятидан келган шахслар қўлга олинди.

#### ФАЛОКАТ ОЁК ОСТИДА

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида 1964 йилда туғилган М. Мелиқулов "Тисо" автомашинасини ҳайдаб кетаётган бошқарувни йўқотиб йўл четидан оқиб ўтувчи Ҳазорбоғ каналига тушиб кетган. Натижада ҳайдовчи ва йўловчи К. Жумаев воқеа жойида ҳалок бўлган.

#### ЙИҒЛАГАН ЭМИШ...

Бухоро вилоятининг Когон туманида яшовчи икки яшар Зарнигор уйи олдида ўйнаб юриб, бедарак йўқолган эди. Икки ҳафталик қидирувдан сўнг қизча топилди, онасига соғ-саломат қайтарилди. Аниқланишича, бу гўдакни Сурхондарё вилоятида яшовчи, 1987 йилда туғилган Ўралтош исмли аёл олиб кетган экан. Сўроқ пайтида у қизча кўчада йиғлаб тургани учун олиб кетганини баҳона қилиб ўзини оқламоқчи бўлди. Бироқ терговчининг "Нима учун шу пайтагача милицияга хабар қилмадингиз?" деган саволига жавоб топа олмади.

#### КОТИЛЛАР ХИБСДА

Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманида яшовчи, 1940 йилда туғилган Қ. Абдурашуловнинг жисмоний куч ишлатиб ўлдирилган жасади топилган эди. Тезкор ходимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ушбу жиноятни содир этган икки нафар шахс ҳибсга олинди.

**И. МИНАВАРОВ,**

*милиция майори.*

### Қисқа сатрларда

#### 50 МИНГ СЎМЛИК... «DAMAS»

Товламачи С. К. ўзини "Бокс Федерацияси аъзосиман" деб таништириб, Қорасув даҳасида яшовчи шахсдан фириб йўли билан "Бокс Федерациясидан "Damas" автомашинасини олиб бераман" дея, 50 минг сўм пулини олган. Кута-кута чарчаган жабрланувчи милицияга мурожаат қилгач, тезкор тергов гуруҳи "ҳожатбарор"ни қисқа вақтда фош этди. С. К. ҳеч қаерда ишламайдиган ва муқаддам судланган бўлиб чиқди.

Қорасувлик шахс ақл-идрок, фахм-фаросатини салгина ишлатганда фирибининг қурбони бўлмасди. Ахир ҳеч қандай ҳужжатсиз 50 минг сўмга "Damas" олиб беришига қандай ишониниш мумкин?

#### «МУЗЛАТИЛГАН» ОПИЙ

Бошлиғи топширган ҳисоботни тун билан ёзиб тузатган Жавлоннинг тонгта яқин кўзи илинди. Боши қаттиқ оғриган ҳолда ўрнидан турди-да, "дори" излашга киришди, тополмади. Ноилож сахархез қўшниси Т. У.нинг уйига чиқди. Қўшни Жавлонни кўриб қувониб кетди. Чунки унинг дардини биларди. У. совутгичдан бош оғригини тузатадиган "дори"ни олиб узатди...

Эртаси кун Владимирский кўчасида истиқомат қилувчи Т. У.нинг уйига етиб келган тезкор тергов гуруҳи "Саратов" совутгичидан елим халтага ўралган опий гиёҳвандлик воситасини топишди.



## ЯНГИ ФИЛЬМ

Ўтган йили Наманган вилояти ИИБ матбуот гуруҳи катта инспектори, милиция капитани Улугбек Мамадалиев сценарийси асосида "Ажал сўқмоғи" фильми суратга олинди, экранларга чиқарилган эди. Яқинда наманганлик киноижодкорлар яна бир фильм — "Чаён боласи"ни ниҳоясига етказдилар. Бу фильм "Ажал сўқмоғи"нинг мантикий давоми бўлиб, аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликка қарши кураш мавзуида яратилган. Фильмда оғуфурушлик, фирибгарлик, товламачилик каби жиноятларни ўзига касб қилиб олган, инсоний фазилатлардан йироқ, бойлик оттириш

йўлида ҳар қандай қабихликдан қайтмайдиған кишиларнинг жирканч қиёфаси акс эттирилган.

Фильм сценарийси иқтидорли ижодкор У. Мамадалиев қаламига мансуб бўлиб, унга Н. Ҳожиев режиссёрлик қилган. Суратга олишда оператор Н. Фуломов ўз маҳоратини кўрсатган. Бадий раҳбар Ўзбекистон Республикаси ИИБ қошидаги "Ҳамроҳ" студиясининг бош директори У. Зафаров, расом А. Умрзоқов.

"Чаён боласи" фильмида таниқли актёрлардан Э. Носиров, Ф. Маъсудов, М. Юсупов ва суҳандон Р. Мирзаевлар суратга тушганлар.




Суратда: фильми суратга олиш жараёнидан лавҳа.

## МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси ИИБ газета ва журналлари йил бўйи хонадонингиз меҳмони бўлади

"ПОСТДА" ва "НА ПОСТУ" газеталарига ҳамда "QALQON" ва "ЩИТ" журналларига 2003 йилнинг биринчи ярми учун обуна бошланди. Обуна "Матбуот тарқатувчи" ОТАЖ орқали ва барча алоқа бўлиқларида амалга оширилади.



Нашрлар индекси (биринчиси фуқаролар учун, қавсадаги ташкилотлар учун):

"Postda" — 366 (180)

"Na postu" — 367 (169)

"Qalqon" — 1083 (970)

"Shit" — 1084 (971)

МАНЗИЛИМИЗ: 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 1.

х/р 29801000500000421197 "Ипак йўли" акциядорлик инвестициявий тижорат банкининг Мирзо Улугбек бўлими. Банк коди 00421

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ БИРЛАШГАН ТАХРИРИЯТИ

барча хоҳловчиларни "ПОСТДА" ва "НА ПОСТУ" газеталарини Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида тарқатишда қатнашишга таклиф этади.

Нашрларимизнинг оммабоплиги тарқатувчининг яхшигина пул ишлаб олишини кафолатлайди.

Мурожаат учун телефон: 139-75-37

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ


ППХ ва ЖТСББ ҳузуридаги хорижий давлатлар ваколатхоналарини қўриқлаш МИЛИЦИЯ БЎЛИНИМАСИГА

кичик бошлиқлар ва оддий таркибга танлов асосида хизматга қабул қилиш давом этмоқда. Хизматга Куролли кучлар сафидан захирага бўшатиш, соғлиги бўйича ҳарбий хизматга яроқли ва ўрта маълумотга эга бўлган, Тошкент шаҳрида муқим яшовчи, турар жойидан ижобий тавсифланадиган, 30 ёшгача бўлган ва бўйи 170 см дан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улугбек тумани, Догистон кўчаси, 55-уй.

Телефон: 67-55-38, 67-55-30.

## ИБРАТЛИ ҲИКМАТ



Азиз муштарийлар! Доира шаклининг марказ томонга йўналтирилган сектор (бўлак)ларига ҳар бири тўрт ҳарfli сўзлардан 23 тасини тартиб рақами қўйилган хоналардан бошлаб ёзиб чиқинг. Агар шу сўзлар тўғри топилса,

иккитанинг шаклининг иккитани кўюк чиқишлар орасига олинган домнада Шарқнинг юз йилдан ортиқ умр кўрган беназир шоири ва мутафаккири бўлмиш Муслиҳиддин Саъдий Шерозий ҳикматларидан бирини ўқийсиз.

### Сўзларнинг маънолари қуйидагича:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида тасвирланган қушнинг номи. 2. Ер қуррасидаги энг катта қитъа. 3. Суянчиғи бор ўриндиқ. 4. Вақт ўлчови бирлиги. 5. "Отанг боласи бўлма, ... боласи бўл" (мақол). 6. Адиб ижодининг маҳсули. 7. Сабзавот экини. 8. Қурилиш материали. 9. "Кўкрагимда яшнар то ..., Ҳаёт тақиб қўйган гулдаста" (Уйғун). 10. Ўрта умумтаълим мактабларида ўқув машғулотларини ташкил этишнинг асосий шакли. 11. Эришилган муваффақият. 12. Табиий фанлардан бири. 13. Бадий, илмий асар яратиш. 14. Субҳидам. 15. Адабиёт фанидан ёзма иш. 16. Детектив адабиётга изқувар Шерлок Холмс сиймосини олиб кирган инглиз ёзувчиси. 17. Безак буюми. 18. "Қалбингизнинг йўқ губори, Меҳрибонсиз шунчалар, ... олмиш ҳароратни Юзингиздан устозлар" (Пўлат Мўмин). 19. Нур, ёруғлик. 20. Республикаимиз шимолидаги қадимий шаҳар. 21. Одат, расм, таомил. 22. Мактабнинг ўқув хонаси. 23. "Чинор чиримас, ... қуримас" (мақол).

Тузувчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

### ГАЗЕТАМИЗНИНГ 38-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЦИКЛОСАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Байрам. 2. Бадиха. 3. Доройи. 4. Навоий. 5. Офицер. 6. Байроқ. 7. Жайрон. 8. Андиша. 9. Бараки. 10. Фасфор. 11. Алифбе. 12. Мажнун. 13. Шамшод. 14. Шабнам. 15. Чилтор. 16. Талаби. 17. Нурота. 18. Сурнай. 19. Майдон. 20. Сарроф. 21. Ҳайкал. 22. Оқибат. 23. Мадина. 24. Бархан. 25. Наҳшаб. 30. Кимхоб. 31. Муаммо. 32. Бухоро. 33. Дулдул.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тергов Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги М. Усмановга қизи

**Марғуба ХУДАЙБЕРДИЕВАНING** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги М. Усмановга қизи

**Марғуба ХУДАЙБЕРДИЕВАНING** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖК ва ТҚҚ Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарманинг масъул ходими, милиция полковниги П. Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси

**ҚОРАСОЧХОН АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ БИРЛАШГАН ТАХРИРИЯТИ

### МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

**Bosh muharrir Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari v.b. **Murod TILLAYEV**

Mas'ul kotib

**R. BERDIYEV**

Navbatchi:

**S. SHODIYEV**

Musahhihlar:

**M. AKRAMOVA**

**G. XOLIQOVA**

Sahifalovchi:

**Z. BOLTAYEV**

### TELEFONLAR:

Bosh muharrir o'rinbosari 139-75-69.

Kotibiyat 139-73-88

muxbirlar

bo'limi 139-75-69.

Buxgalter 139-75-37.

Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91  
Tel.: 59-23-08

E-mail:

[urmvd@globalnet.uz](mailto:urmvd@globalnet.uz)

Bizning hisob

raqamlarimiz

«Ipak yo'li»

akciyadorlik tijorat

bankining Mirzo

Ulug'bek bo'limi.

Hisob raqami:

29801000500000421197,

MFO 00421.

·Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

·Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

·Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma № — 845.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.

Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

42.408 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.